Миллий Тиклариш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 4 июл

4 - сон

ИЛМИЙ БАШОРАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик ғояси ва унинг амалиёти иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг амалиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Маълум бир иқтисодий тузумдан бутунлай бошқа бир ижтимоий тузумга ўтган, янги эркин жамият барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон каби мамлакатда ижтимоий ғояларнинг тараққий қилиши ҳам, кенг ва ранг-баранг йўналишдаги ислоҳотларнинг амалга ошиши ҳам ўзига махсус йўллардан бориши мумкинлигини ҳаммамиз кўриб, ўз бошимиздан кечириб турибмиз.

Ўзбекистонда ислоҳотлар бошида давлат ва давлат бошлиғи турганлиги мустақилликнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий асосларини яратиш, мустаҳкамлаш, уни жаҳонда айрим империяларнинг қуласи, барбод бўлиши туфайли юзага чиққан бир қатор оғир оқибатлар, чигалликлар, кутилмаган мураккаб, ўта оғир вазият-ҳолатлардан олиб ўтишда ҳам, янги ёш мустақил мамлакатнинг бутун иқтисодий ҳаётини янгидан яратиш, қуриш, тиклашда ҳам, шулар билан чамбарчас боғлиқ одамлар онгининг ўзгаришларини ҳисобга олиб бориш, янги онг, янги тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилишда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Давлат ва давлат бошлиғининг ислоҳотлар тепасида туриши мамлакат миқёсида барқарорликка эришиш имконини берди. Ҳар қандай ривожланиш, ўсиш, фаровонликнинг бошида унинг асосий хусусияти бўлиб барқарорликкина туришини эсласак, Ўзбекистон учун мустақилликнинг тўрт йили ичидаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик мислсиз тарихий аҳамиятга эга эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Ўзбекистонда барқарорлик том маънода яратилди. Ижод қилинди. Рўй бериши мумкин бўлган оғир маънавий, иқтисодий катаклизмларни четлаб ўтолганимиз, халқимиз ҳаёти, маданиятини катаклизмлардан қўриқлай олганимиз, давлат бошлиғининг бу йўлда олиб борган мислсиз фаолияти ҳозирги кунлар учун ҳам, келажак замонлар учун тақдирсоз имкониятлар очди. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида қандай буюк йўллар очилгани эндиликда фикрловчи кўпчилик одамларга аён бўлиб қолди. Мана шу ғайрат-шижоатга тўлиқ фаолият боис биз бугун ўз келажагимизни ғуборсиз, равшан кўриб, тасаввур қилмоқдамиз.

Тўрт йил муқаддам фантазия, хаёлот бўлиб кўринган нарсалар бугун мамлакатимизнинг реаллигига айланди.

Мустақиллик ҳақиқий олтин экан. Биз олтин устида яшаётганлигимизни энди билдик. Бу ноёб олтинни ушлаб кўриш имконига эга бўлдик. У ўзимизники эканлигини англадик. Бу олтин асосда турсак, бошимиз ҳар доим кўкда бўлажагини энди-энди тасаввур қиляпмиз.

Буларнинг бари давлат тараққиёти учун тўғри назарий асослар яратилганлиги, тўғри ривож йўналишлари белгиланганлиги ва бу йўналишлардан қадам бақадам, босқичма-босқич силжиётганлигимиз учунгина мумкин бўлди.

Ислом Каримовнинг янги «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган яхлит монографик асари мустақилликнинг тўрт йилини ҳар томонлама таҳлил ва тадқиқ этади. Шу таҳлил ҳамда тадқиқ аосида мамлакатнинг келажагини — келажак ривож йўлларини белгилайди, прогноз қиладди. Бу китоб ҳақиқий академикнинг тадқиқоти. У мамлакат ва халқнинг борар манзиллари ва ўтар йўллари ҳақида чинакам башоратларга — яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, илмий башоратларга тўладир.

Куни кеча атоқли иқтисодчи ва сиёсатдон, олимлар, зиёлилар, жамоат арбоблари, журналистлар даврасида бу ажойиб асарнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот ғоятда қизиқарли муҳокамалар, савол-жавоблар, очиқ баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Асарда ўртага ташланган масалалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мамлакатнинг бугунги ҳаёти, халқнинг турмушига доир ранг-баранг фикрлар, муаммолар ўртага ташланди. Тўрт соатдан ортиқ давом этган мулоқотда ҳеч ким бир зум ҳам зерикиб қолгани йўқ. Айтилаётган фикрлар, ўртага ташланаётган масалалар, саволлар шунчалар қизиқарли эди.

Таниқли иқтисодчи олим Пўлатхон Носиров бу асарни уч маротаба ўқиб чиқдим. Асар бир қарашда содда ёзилганга ўхшайди. Лекин масалалар ва муаммоларнинг ичига кира бошласангиз, кўз ўнгингизда кутилмаган фикрлар, теранлик намоён бўлади. Ҳар ўқиганингизда янги таассурот оласиз. Хаёлингиз янги ғоялар силсиласи билан бойийди, деб айтди.

Китобни ўқиган ҳар бир одам олим ўз фикрида нақадар ҳақ эканлигини англаб етади.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БОШЛАНДИ

1995 йил июл ойидан ижтимоий, маърифий, маданий, илмий, сиёсий янги ҳафталик газетамизга обуна бошланди.

«Миллий тикланиш» газетасига Ўзбекистоннинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Шахсий обуначилар учун индекс — 64618.

Ташкилотлар учун индекс — 64619.

АБАЙ таваллудининг 150 йиллиги

ХАЛҚ ОЛДИГА КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛГАН САВОЛ

«Мен — кимман? Нега шундайман?» деган саволлар заҳрини туйганмисиз ҳеч?

«Сиз — кимсиз? Нега шундайсиз?» дебон сўроққа тутган фарзандингизни суйганмисиз ҳеч?

Абай (Иброҳим) Қунонбоевнинг болалик ҳаёлоти ана шундай саволлар тўқмоғи зарбидан учиб кетди...

Сахройи қозоқ халқининг ҳаёти бу шаддод фарзандининг сўроқлари кафтида таҳлилот шаҳрига кўчиб ўтди.

Эҳтимол, Иброҳимнинг ғўдаклик сўқмоқлари овулидаги муллолар эшигига бойланиб қолмаганида у ҳам бошқа тенгдошлари қатори «мол кетидан эргашиб» (Абай) юраверган бўлармиди?!

Балки овулдошлари Ускенбойнинг яшноқ палаги Қунонбойнинг миқти хамаги бўлган бу болакай Семипалатинск шаҳридаги мадрасалар сабоғини уқиб, янги мактабда ўқиб қайтмаганида, унинг аччиқ суроқларига ёш оқиннинг ўзини тузлаб қўйишган бўлармиди?!

Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай, ўн уч ёшида ўзгача қўшиқ куйлаб овулга қайтган бу қалдирғоч улкан қозоқ сахросига маърифат уругини ташлаган ва тақир даштда баҳор бошлаган эди!

Абайнинг Арасту билан Суқрот, Афлотун билан Гегел фалсафаларидан ярқираган тафаккури, Навоий ва Саъдий, Фузулий ва Ҳофиз ижодидан порпираган қалб нури одми қозоқ халқ ўланлари негизида ёзма адабиёт бойчечакларини ундирди.

Қозоқ халқининг буюк оқинидан бизгача 200 тадан ортиқроқ шеър, 4 та достон, «Нақлия сўзлар» («Насиҳатлар») ҳикояси ва Гёте, Пушкин, Лермонтов ижодларидан таржима қилинган асарлар етиб келган.

Муқаддима ва хулоса билан биргаликда ҳисоблаганда 44 та айрича мустақил ҳикоячалардан ташкил топган «Насиҳатлар» фалсафий ҳикояси айниқса қадрли. Бу асарда ижодкор қозоқ халқининг бошқа халқларга муносабатларидаги бир ёқламаликлар ва асоссиз камситишларини, она халқининг фикрлаши, яшаш тарзи ва одамлар табаитидаги қусурларни, эл бийлашдаги, бўлис сайлашдаги, юртни бошқаришдаги ноҳақликлар, чиркин услубларни аёвсиз фош қилди. Фарзанд ўстириш ва унинг маънавий оламини шакллантириш борасида қозоқлар аҳамият бериши шарт бўлган жиҳатларни донишона сатрларда босиқлик билан иншо этди.

Ўз қадрини билиш, ўзга халқларни ҳурмат қилиш, илм-маърифатга интилиш, ҳунар эгаллаш, ғайрат ва ишонч билан яшашга чорлаш Абай ижодининг мағзини ташкил этади. «Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ», — дейди Абай ўз замондошларини баҳолаб. Ўзига ҳузур-ҳаловат, одамлардан ҳурмат ва иззатга умидвор қайси киши очиқ айтади бундай аччиқ эътирофни?! Туриш-тутмишини, емиш-демишини танқид ва таҳлил қилиб, дашномлар ёмғирига чўмдирган фарзандини қозоқлардан бошқа қайси халқ Абай янглиғ бошига тож қилиб кўтарган?! Софдил ва мард қозоқ халқи тийрак фарзандининг ҳақли саволларини тинглашга ўзида ирода топа олди ва Абайи елкасига эътибор чакмонини ёпа олди! Чунки бу мутафаккир ва маърифатпарвар оқиннинг даврга, юртга, элга берган саволлари энг аввало халқнинг бир зарраси бўлмиш Абайнинг ўзига ҳам дахлдор эди: «Биз ҳали кучимиз, қувватимиз, ақлимиз етмаган бола кезимиздаги ҳар нарсани: «Бу нима?» «У нима?», «Нега ундай?», «Нега бундай?» — деб сурашимиз ва ҳатто шу туфайли овқат ейишни ҳам эсимиздан чиқариб юборадиган пайтларимиз, қизиқишларимиз нега энди улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ўз фаолиятини йўқотиб қўяди?» — дейди у...

Чиндан ҳам нега шундай?

Мукаррама МУРОДОВА

Абай ҚУНОНБОЕВ

Не умид: беирода,
Ғафлат босган
инсондан?
Ақлдан маҳрум одам —
Фарқи нима ҳайвондан?

Иродасиз ақл ҳам —
Теран бўйлаб кетолмас.
Ғафлатда қолган
одам —
Муродига етолмас.

Тан тилагин бермасанг,
Жон чидамас, жон ачир.
Жон тилагин бермасанг,
Қон чидамас, қон ачир.

Мол-у ақлдан маҳрум,
Тану жони бор, аммо,
Молдан фарқинг
бўлмагач,
Тирикликдан не маъно?

Номим одам бўлган сўнг,
Қандай нодон бўлайин?
Халқим нодон бўлган
сўнг,
Қаён бориб ўнглайин?

МИРТЕМИР таржимаси

ДИЛИМИЗНИНГ ҚЎРИНИ АЯМАЙМИЗ

Титилиб, ўқилмас
бўлганда тарихинг,
Ҳасрат-ла аламга
тўлганда тарихинг,
Хазоннинг баргидай
сўлганда тарихинг,
Кўзимнинг нурини аямай
ўқидим,
—деб ёзган эди
Чўлпон она диёр тўғрисида.

Миллий тикланиш партияси ўз атрофида ўқитувчилар, олимлар, маданият ходимлари ва кенг доирадаги зиёлиларни бирлаштиришни, уларнинг иқтидори, ташаббуси ва ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш орқали республикамизда маориф, маданият, илм-фанни ривожлантиришни вазифа қилиб олади. Назаримда, жамиятнинг илғор кучлари бўлмиш зиёлиларни бирлаштириб, кенг маънодаги миллий тикланиш ҳаракатига йўналтириш давр талаби. Ҳақиқатан, ижодий кучлар — зиёлилар бирлашишга муҳтож эканлиги, улар хизмат қилаётган соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш бирлашишни тақозо этди.

Ҳеч кимга сир эмас, маориф, ўрта мактаб чуқур ислоҳотларни бошидан кечирмоқда. Миллий тикланиш демократик партияси жумладан маориф ва маданиятни ривожлантириш, ёш авлодни замонавий илмлар ва умуминсоний ахлоқ нормалари асосида тарбиялашни ўзининг бош вазифаси деб, эълон қилган экан, шу боисдан бу партияни биз мактаб ўқитувчилари ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга партия ва унинг янги чиқаётган газетаси маориф ва мактаб ўқув тизимида йиғилиб қолган қуйидаги муаммоларга ўзининг асл муносабатини билдиришини истар эдим.

Биринчидан, ёш авлоднинг қандай хислатларга эга бўлиши, уларга таълим-тарбия берадиган ўқитувчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Чунки халқимизда «катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради», деган мақол бор. Бу мақол ўқитувчига нисбатан айтилганда, янада чуқур маъно касб этади. Президентимизнинг ўқитувчиларга эътиборни кучайтириш ҳақидаги айтган мулоҳазалари бежиз эмас. Ўқитувчиларнинг моддий аҳволини қадам-бақадам яхшилаб бориш ёш давлатимизнинг кун тартибида турибди.

Иккинчидан, ўз олдимизга рўй-рост савол қўяйлик, ўқитувчиларимизнинг билим савияси замон талабига жавоб берадими? Кейинги илмий техника тараққиёти ўқув-тарбия жараёнини бутунлай янгича ташкил этишни талаб этмоқда. Мактаб ҳаётини замонавийлаштириш учун янги техника воситалари, аудио-видио ускуналар, плиерлар ва магнитофонлар ва лаборатория ускуналари талаб этилади. Қишлоқ жойларидаги мактабларга бу нарсалар ҳали кириб борганича йўқ. Айрим мактабларда бу воситалар бор. Масалан, бизнинг мактабимизда бу нарсаларнинг деярли ҳаммаси бор-у, лекин уларни тўлиқ ишлатадиган мутахассис эса, йўқ ҳисобида. Маоши оз деб, ташқаридан мутахассиснинг келиши қийин. Натижада, бебаҳо техника воситалари чанг босиб ётибди. Нима учун педагогика билим юртларида ана шундай ўқитувчиларни тайёрлаш мумкин эмас?

Бундан ташқари, техника воситалари бўйича дарс берувчиларни мактабларга хос бўлган майда-чуйда ёзув-чизувлардан озод қилиш керак. Тажриба кўрсатяптики, бундай ўқитувчилар ана шундай майда-чуйда ёзувлардан безиб, маоши каттароқ, ижодий ишга имконият яратилган ишлаб чиқариш ва хусусий корхоналарга кетиб қолади.

Учинчидан, бугун мактаб ўқитувчилари ҳам хўжалик юргизиш ташвишларидан четда эмас. Очиғини айтганда, баъзан ўзим ҳам дарсга тайёрланиш, янги қўлланмалар билан танишиш ўрнига оила маблағини кўтариш учун қўшимча иш билан шуғулланаман. Оладиган маошимнинг ҳар бир тийини ҳисоб-китобда бўлгани учун бадиий асарларга, янги ўқув қўлланмаларига пул ажрата олмаяпман. Туман марказида битта китоб магазини бор. Унинг ярми тижорат магазинига айлантирилган. Кутубхоналарга эса ўқув-тарбиявий жараёнга оид адабиётлар келиши аллақачон тўхтаган. Шундай бўлгач, айниқса адабиёт ва тарих фанларини ўқитадиган ўқитувчиларнинг аҳволини тасаввур қилишингиз мумкин. Бу ҳолдан чет тили фани ўқитувчилари, умуман бошқа фан ўқитувчилари ҳам мустасно эмас. Демак, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини янги ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, айниқса вилоятлардаги ва қишлоқ жойларидаги китоб дўконлари ва кутубхоналарига зарур адабиётлар еткизиб беришни яхшилаш лозим. Коммерция ўчоқлари халқ таълими ва маданиятига жиддий ёрдам беришга ҳозир тайёр эмас, шунинг учун мактаб истиқболи давлат қўлида. Агар келгуси авлодни маърифатли, маданиятли, замонавий илмлар билан қуролланган кишилар сифатида кўришни истасак, кўпроқ маблағни маориф ва мактабга ажратишимиз зарур. Ф. М. Достоевский мактабга ажратиладиган маблағ мудофаа ва армияга сарфланадиган ҳаражатлардан кам бўлмаслигини орзу қилган эди. Япония миллий даромадининг 85 фоиздан зиёдини маорифга ажратгани туфайли қисқа муддат ичида энг илғор давлатга айлангани ибратли мисолдир. Шундай қилишимиз зарурки, ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам билим олиши, маърифатли ва маданиятли бўлиши, замонавий қарашларни эгаллаши — уларнинг ички маънавий эҳтиёжига айлансин. Буни ҳам давлатнинг доимий қўллаб-қувватлаши орқалигина амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси республикамиз келажагини маориф ва маданият равнақисиз, баркамол шаклланган шахссиз тасаввур қила олмайди, демак, унинг бош вазифаларидан бири маориф ва маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашиш бўлиб қолади. Республикамиз зиёлиларини партия вазифаларини бажаришда унга яқиндан ёрдам беришга, бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва уюшқоқлик билан таълим, маданият муаммоларини ҳал қилишга чақираман.

Худойберган МАТЁҚУБОВ,
француз тили ўқитувчиси

Тикланиш: воқеалар, хабарлар

ОБОД ВА ЖОЗИБАЛИ

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон меъморлари уюшмасининг 60 йиллиги мунособати билан табрик хати йўлладди.

«Халқимиз маънавияти тарихида меъморлик анъаналари алоҳида ўрин тутади, - деб ёзади ўз табрикномасида Президент. - Дунёга маълум ва машҳур Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиз билан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Юртимиз обидалари каби ноёб меросга муносиб ворис бўлиш аждодларимизнинг анъаналарини изчил давом эттириш ва ижодий ривожлантириш ғоят қийин ва масъулиятли вазифа эканини яхши тушунасиз, деб ўйлайман. Яқин ўтмишда миллий анъаналарга эътибор сусайиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси деярли бир тусга кириб қолганини сиз, меъморлар мендан ҳам яхшироқ биласиз. Эндиликда бу хатоларни тузатиш пайти келди. Негаки, мустақил юрт ижодкор зиёлиларининг, шу жумладан, меъморларининг ҳам онги ва тасаввури мустақил бўлмоғи керак.

Келажаги буюк Ўзбекистонимизга муносиб, кўркам ва гўзал бинолар, истироҳат масканлари, гўзар ва майдонларнинг энг замонавий, айни пайтда миллий аъаналарга асосланган янги намуналарини яратасизлар, деб умид қиламиз. Бу замон талаби, халқимиз талаби.

Барчангизга сихат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайман. Юртимиз ҳар доим обод ва жозибали бўлсин!»

Ҳақиқатан ҳам, миллий меъморчилигимиз олдида мустақил Ўзбекистоннинг тамомила янги қиёфасини яратишдек масъулиятли вазифа турибди.

Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида яқин ўтган даврларнинг туссизлиги ва ўта қиёфасизлигидан халос бўлиш пайти етди.

Ватанимиз шаҳарлари ва қишлоқлари, барча аҳоли яшайдиган пунктлари ва умуман, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси қулай, шинам, ҳар томонлама жозибадор бир тусга киради. Унда табиий иқлим шароитлари, ерости ва ер усти ҳаволи, тоғлари ва сув ҳавзаларининг маромли ўз такрорланмас аксини топади. Ўзбекистон меъморчилиги Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, ўз йўллари ва усулларини топади ҳамда албатта такрорланмас бир қиёфага эга бўлади.

Бу меъморчилик атроф муҳитга - табиатга зиён келтириб эмас, табиий қонуниятлар, ҳолларни бузиб, уларни зўрлаб эмас, балки табиатга мослашиб, унга мадад бериб ва ундан мадад олиб ривожланади.

Шунда ҳеч ажабмаски, Ўзбекистон яқин келажакда ғоятда чиройли, яшаш учун ўта қулай ва ғоятда покиза мамлакатга айланади.

Одамлар покланган сари мамлакат ҳам тўла покланиб боради.

* * *

Вилоятларда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкилий конференциялари қизғин, ижодий ташаббускорлик вазиятида ўтмоқда. Яқинда Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларидаги конференцияларда партиянинг вилоят ҳайъатлари, раёсати ва тафтиш комиссиялари тузилди. Жиззах вилояти партия ҳайъатининг раиси қилиб Ўрол Носиров, ўринбосарлари этиб Ўктам Одилов ва Ҳайдар Нарчаев сайландилар.

Сирдарё вилоят партия конференцияси профессор Акрам Каттабековни раис, Ширингул Саидова ҳамда Олимжон Хайруллаевни раис ўринбосарлари қилиб сайлади.

Вилоят конференциялари ишида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси раисининг ўринбосари Тошпўлат Тошлонов қатнашди.

ФАЛСАФИЙ САВОЛЛАР

СИЗЛАРДАН БИР НАРСАНИ СЎРАМОҚЧИМАН

Нима учун бизнинг қозоқларда ўлганининг ёмони, тиригининг эса ўзгани ёмонлашдан омони йўқ?

Нима учун куч-қуввати қайтган чоллар ёшлар билан муроса қила олади-ю, аммо ўзлари, гарчанд қўпгина тенгқурларидан айрилган бўлсалар-да, бир-бирлари билан муроса қилиша олмайди?

Нима учун ўзга юртлик узоқ бировни кўрсак, «ёруглик» деб атрофида парвона бўламиз-у, ўзимизнинг элимизда ундан ҳам обрўли кишиларнинг қадрига етмаймиз?

Нима учун бир сайёҳ ёки йўловчи ўзга юртта борса, ўз элини ўлардай мақтайди-ю, қайтиб келгач, ўша бориб келган элини, юриб келган ерини, ёлғонни рост қилиб, ўз юртига ҳаддан зиёд қилиб мақтайди? Нега?

Қайси қозоқни олиб қараманг, боласи ёш кезида атрофида парвона бўлишади-ю, улғайгандан сўнг совуқ кўришади? Нега?

Нима учун баъзи одамлар туққан-туғишганлари, яқин ошна-оғайниларининг тўйида, азасида умуман шунга ўхшаган зарур лозимандаларида қорасини кўрсатишмайди-ю, бировларнинг моли-ҳолини талаб, қароқчилик қилиб келайлик, ўғрилик қилайлик деса, жон-жон деб бош қўшади, оёқ-қўли ерга тегмай етиб келади? Нега?

Нима учун от қўйганингда отингга ёрдам бермаган оғайниларинг олган совғанингдан бермадинг, деб ўпкалайди? Нега?

Қадимги замонларда одамлар: фалон вақтда отим пойгада ҳориб келаётганда фалончи ёрдам қилган эди, деб оғайнисининг ўша яхшилигини ўла-ўлгунча айтиб юришар эди. Нима учун энди ҳозир бу йилги қилган яхшилигинг келгуси йилда унутилиб кетади-а? Нега?

Нима учун бой ўғли камбағал бўлиб қолса, меҳнат қилишга уялади-ю, ўғрилик қилишга уялмайди? Нега?

Нима учун иккита яхши бир элда дўст бўлиб, тинч-тотув яшай олмайди-ю, қай-қаёқдаги қасам урганлар бир-бири билан бош қўшишиб, тинч-тотув яшашади? Нега?

Нима учун бировга дўстим деб от миндирсанг-у, бошқа бир душманинг келиб унга той миндирса, дарҳол ўртага совуқчилик тушади — муносабат бузилади? Нега?

Нима учун баъзан ҳар кун айтганингни қиладиган дўстингдан бир кун айтганингни қилган душманинг меҳрибон бўлиб қолади? Нега?

Нима учун баъзи бировлар, дўстим ўссин-унсин демайди, балки аксинча, биронта мартабага эга бўлса, унга ашаддий душман бўлиб қолади? Нега?

Нима учун баъзи бировлар изласа ҳам ақл ўргатадиган одамни ҳеч қаердан топа олмагани ҳолда, ўз феъл-атворини ипидан игнасигача биладиган одамлардан қочиб юради? Нега?

Нима учун одамлар бировникита меҳмон бўлиб борса — минг қўйли бой бўлиб боради-ю, ўз уйига меҳмон келса — бор молини ҳам яйловга ҳайдаб юборади? Нега?

Нима учун тинчлик излаб топа олмай юрган юрт, тинч яшай бошлаганидан сўнг, дарров ундан зерика бошлайди? Нега?

Нима учун элга пишиқ одам бойлик қилади? Нима учун ҳаётда пишиқ одамларнинг кўпчилиги камбағал бўлишади? Нега?

Нима учун тўқол хотин мағрур бўлади? Нима учун касал киши мард бўлади? Нима учун камбағал киши акс, такаббур бўлади? Нега?

Нима учун нафсини жиловлаб, ёмон йўлдан қайтган киши ёмон аталади-ю, нафс балосида юрган мақтанчоқ, балохўр ёмон одамлар яхши аталади? Нега?

Нима учун қозоқлар тўғри сўзга ишонмай, ҳатто қулоқ ҳам солмай, балки аксинча, ёмон, ёлғон-ящиқ сўзларни эшитса, мойдай эриб, сутдек балқиб, топган-тутгани сувга оқиб кетса ҳам, бундай гапларнинг таг-тагига етмагунча қўймайди? Нега?

Носир ФОЗИЛОВ таржимаси

● Эл кўзидаги инсонлар

Алоуддин МАНСУР:

БИЗНИНГ ҲАҚИҚАТИМИЗ — ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК

Таҳририят топшириғи билан Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрига йўл олдик. Бу ерда давримизнинг улуғ олимларидан бири, Қуръони каримнинг таржимони, муҳтарам домла Алоуддин Мансур истиқомат қилади. Ташрифимиздан мақсад, шиддатли давримизнинг залворли кунлари ҳақида суҳбат қурмоқ, ҳар кун, ҳар лаҳза инсон учун сув ва ҳаводек зарур бўлган иймон илмини кўнгилга жойлаб, ислом ҳаловатини сиз билан дардларимизга малҳам айламоқ, шууримиз, онгимиз, тафаккуримиз парвозига янада юксаклик ҳавола қилмоқдир.

— Муҳтарам домла, бугунги кунимизни тарихий бурилишлар даври десак, хато қилмаймиз, Зеро, она Узбекистон ҳеч қачон бунчалик ўзгаришларга бой бўлмаган, янгиликлар, усиш ва улғайиш оқимида бу қадар жўш урмаганди. Замонга янги дунё кириб келмоқда. Бу ҳуш масъулиятдан ҳар биримиз мағрурлансак арзийди. Янги даврга иймонимиз басаломат бўлиб қадам қўймоқ эса энг аввалги вазифамиздир. Домла, шу боисдан миллий тикланиш, маърифий шаклланиш борасидаги ўз фикр ва мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Алҳамдулиллоҳки, Тангри таоло ўз ҳабиби ва сўнгги пайғамбари Муҳаммад мустафо алайҳиссаломга нозил қилган Каломи Шарифида инсоният оламига то қиёмат рўбарў келадиган барча мушкилот-муаммоларга ўз илоҳий жавобини баён қилди. Жумладан, сиз сураётган миллат ва миллий муносабатлар хусусида ҳам Қуръони Каримда ва ҳазрати Расулиллоҳнинг муборак ҳадисларида мукаммал ечим мавжуддир. Қуръонга кўра миллат тушунчаси ўзида икки маънони ташийди. Биринчидан, миллат бу — тил ва ирқидан қатъий назар маълум бир гоя устида бирлашган кишилардир. Бу ҳақда Оллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасининг 110-оятида мўминларга хитоб қилиб шундай дейди: (Эй уммати Муҳаммад), сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз. Маълум бўладики, мусулмонлар, дунёнинг қай четида ҳаёт кечиришларидан ва қайси эл ёки элатга мансуб бўлишларидан қатъий назар бир миллат вакиллари экан. Уларнинг Яратган наздида «Яхши миллат» номига эга бўлишлари ҳам ирқий ёки минтақавий имтиёзлари сабабли эмас, балки яхшиликка даъват қилиб ёмонликдан қайтариб, иймон-эътиқод билан ҳаёт кечиришлари сабабли экан. Дарвоқе, катта маънодаги ҳақиқий миллат тушунчаси мана шудир. Энди Қуръони Каримда сиз билан бизнинг истилоҳимиздаги миллат маъносини англатадиган оятлар ҳам мавжуддир. «Ҳужурот» сурасининг 13-оятида шундай дейилади: «Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳав)дан яратдик, ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дуст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилибқўйдик». Ушбу ояти карима баён қилиниши, асли ота-оналари бир бўлган инсоният олами турли эл-элатларга бўлиниб яшашлари Яратганнинг иродасига боғлиқ бир иш эканки, бу ҳаёти дунёнинг рангин ва тотли бўлиши кўп жиҳатдан ер юзидаги инсонларнинг рангу-тиллари, урф-одатлари турфа хил товланишига алоқадор экан. Демак, ҳар бир эл-миллат ўзга миллатларга зўғум-зўравонлик қилмаган ҳолда ўзлигини кўрсатса, фазилатларини намойиш қилса, ўз сафларидан буюк инсонларни тарбиялаб вояга етказса — бир сўз билан айтганда, бошқа миллатлар ҳавас қилса арзийдиган мақомга етиш учун жидду жаҳд қилса, бундай саъйу ҳаракат асло биқиқ миллатчилик бўлмай, балки барча томонидан эътироф ва мақтовга лойиқ бўлган бир ишдир. Худди шу маънода бизнинг миллатимиз Яратганнинг назари раҳматига мушарраф бўлган бахтли миллатдир. Хусусан, бутун олам аҳлига дину дунё илму фанини таълим бериб ўтган салафларимиз бу миллат донгини дунёга тарқатдилар. Каломуллоҳнинг энг муътабар тавсирлари ҳам, Расулуллоҳ ҳадисларининг энг муътабар тўпламлари ҳам бизнинг юртдошларимиз томонидан таълиф этилдики, ҳатто Қуръон нозил бўлган араб оламининг уламолари ҳам «Гарчи Қуръон оятлари бизнинг тилимизда, бизнинг юртимизда, бизнинг устимизга ёғилган бўлса-да бу нур ёмғири Туркистонга бориб тўпланиб қолди ва бизларнинг диний, иймоний ташналигимизни Мовароуннаҳр алломалари қондирдилар», деб аждодларимизнинг муборак номларини камоли ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Энди дунёвий фанларда-чи? Бу соҳада ҳам ота-боболаримиз от сурмаган бирон майдон, улар забт этмаган бирон унвон-қолганми? Хуллас, биз ўтган аждодларимиз билан қанчалар ифтихор қилсак оз. Лекин худди мана шу жойга етиб келганда ўзимизга ҳақли бир савол тўғилади: Ҳўш, ана ушандай салафларнинг халафлари — ворислари бўлган бизнинг авлод дунё миқёсида улар эгаллаган мавқе-мартабаларини қўлдан бой бериб қўймадикми? Қачон шу хусусларда ўйласам, хаёлимга бир араб шоирининг тўрт қатор шеъри келади:

Ол билим, касб эт, камол, отанг сени ким бўлса ҳам
Ҳожати бўлмас насабга илму фан топган одам.
Марду майдон улки, юксак чўққига чиққай сўзи,
Мард эмас ким мақтанар: «Ул чўққига чиққан отам!»

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз ўзларининг илму ҳикматлари, саъйу ҳаракатлари билан бутун оламга миллатимиз довруғини достон қилиб кетдилар. Энди бизлар ҳам уларнинг изларидан бориб, ушалардан қолган маънавий меросимизни авайлаб-асраб кейинги авлодларга етказсак, иншооллоҳ, миллий тикланишга ўз улушимизни қўшган бўламиз. Лекин бизнинг бу сўзларимизни миллатчиликка даъват, деб тушуниб қолинмаслигини истар эдик. Зотан, ўзбекдан айрим айбу нуқсонлар топилиши мумкин, аммо, менимча, ўзбекдан миллатчи чиқмайди. Биз жуда байналмилал халқмиз. Бунга қаноат ҳосил қилишимиз учун яқин тарихимизга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Агар ўзбекларда озгина миллатчилик бўлганида келганларни «ўзимизники» деб, ўзлари ўз уйларида «босмачи» бўлиб олмаган бўлардилар. 20-йилларидан 80-йилларгача бўлган турли қирғин-баротларда ҳам минг афсуски, ҳеч қайси миллат ўзбекчалик қирилгани йўқ. Ўша, қурбонларнинг ярмини ўзга юртлардан келганлар тутиб кетган бўлсалар, қолган ярмини ўзимиздан чиққанлар тутиб берганлар. Шундан кейин ҳам ўзбекни миллатчи дейиш мумкинми? Энди ҳозирги кунларимизда Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан кейинги аҳволга бир қарайлик-чи. Дейлик, умумий уловда ишга кетяпсиз. Йўловчилар кўп. Уларнинг орасида ўзбек ҳам, бошқа юртдан келганлар ҳам бор. Тасаввур қилинг, сиз Узбекистонда эканлигингизни ўйлаб, айтайлик, ёнингиздаги бирон урисга ўзбекча мурожаат қилиб юбордингиз. Бошқа ҳар қандай юртда бу табиий ва қонуний ҳол. Лекин бизда-чи. Бизда агар шундай ҳол содир бўлса, сизни ўша урис тушуниши ва ҳатто кечириши ҳам мумкин, аммо ёнингиздаги ўзбеклар кечиришмайди, балки дарҳол гапингизни таржима қилиб беради ва камига ўша урисдан сизнинг саводсизлигингиз учун узр ҳам сураб қўйишади. Йўқ, ўзбекдан икки дунёда ҳам миллатчи чиқмайди. Менинг назаримда бу бизнинг нуқсонимиз эмас, балки барча миллатларни баробар кўра оладиган маърифатли халқ эканимиздан далолат.

— Домла, кейинги пайтларда «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси шарифи жуда оммавийлашиб кетди. Пайғамбаримиз ушбу ҳадисдаги ватан сўзини айтганларида нимани назарда тутган эдилар. Умуман, ватан тушунчаси исломда қандай талқин қилинади? Исломда одам ўз туғилган юртига меҳр ва муҳаббат билан қараши лозимлигини тарғиб қилувчи яна қандай ҳадислар бор?

— Дарвоқе, кейинги пайтларда кўча-кўйларда ҳам, матбуот саҳифаларида ҳам тез-тез кўзимиз мана шу муборак сўзларга тушади ва ҳар гал кўзимиз тушганда қалбимиз тўлқинланади. Бу сўзларни кўпчилик сўзлайдиган бўлди. Ватанни севган ҳам, эҳтимол севмаган ҳам бу муқаддас иборани айтавериши одум бўлди. Назаримда бу сўзлар тахтида қандай маъно ётганини ҳаммамиз ҳам тўла англаб етмаётганга ўхшаймиз. Бизнингча, ушбу ҳадиснинг зоҳирий ва ботиний маънолари бор. Зоҳирий маъноси: чин иймон-эътиқод эгаси бўлган ҳар бир инсон ўзи туғилиб, униб-ўсган ватанини севиб ардоқлайди, уни озод, обод юртбўлиши учун қайғуради ва керак бўлса ўз дору диёрини босқинчилардан ҳимоя қилиш йўлида азиз жонини фидо қилади. Бу талқинни пайғабар алайҳиссалом томонидан ривоят қилинган бошқа бир неча ҳадислар ҳам қувватлайди. Энди ватанни севмоқ иймондандир, иборасининг ботиний маъносига келсак, Ватан бениҳоя кенгайиб ва юксалиб кетадики, у ҳолда биз Ватан деганда бутун инсониятнинг асли-отаси бўлмиш Одам алайҳиссалом бир ҳовуч тупроқдан Тангри таолонинг қудрат қўли билан яратилган ғўшалари — Жаннатни тушунамиз. Дарвоқе, отамиз Одам ва онамиз Ҳаввонинг ҳамда уларнинг зурриётлари бўлмиш бутун инсониятнинг асл ватанлари — жаннатдир. Яратганнинг амри билан Одам Ато ва Момо Ҳаво ер юзига тушар эканлар, Оллоҳ таоло уларга бу сафар, синов сафари эканлиги, ер юзида дунёга келадиган фарзанд зурриётлари ўзларининг синов-имтиҳон оламидаги муваққат ҳаётларини иймон-эътиқод ва эзгу амаллар билан ўтказсалар, асл ватанлари бўлмиш жаннатни севиб-соғиниб яшасалар, албатта сафар ниҳоясида яна шу азиз ватанга қайтишлари ҳақида хабар беради. Шунинг учун ҳам неча минг йиллардан буён олам саҳнига келиб-кетаётган инсоният карвонига Ҳақ таоло томонидан йўлбошчи-пайғамбарлар юбориб турилдики, уларнинг энг сўнгиси ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом дурлар. Ана у зоти бобаракот ҳам Оллоҳнинг амри билан ўзларининг салафлари бўлмиш аввалги элчиларнинг рисолаларини давом эттириб, сиз билан биз — ўмматларига бу дунё бебақо эканлиги, сафар муддати муваққат экани ва ҳақиқий ватан охират диёри эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтдилар. Бинобарин, тўрт кунлик меҳмондорчилик учун келинган бу ҳаёти дунёга мафтун бўлиб қолмасдан асл Ватанни ва ундаги мангу ҳаётни қўмсаб севиб яшамоқ ийманнинг аломати эканини уқтирдилар. Пайғамбарини алайҳиссалом бундай ўгитларни бизнинг миллатимиздан етишиб чиққан мунаввар зотлар ҳам қайта-қайта қаламга олиб, шарҳлаб, элимизга етказиб келдилар. Шоирларимиздан бири дунёдан ўтган кишилар тилидан ҳали-ҳануз ҳоли ҳаётда бўлганларга хитоб қилиб дейди: «Биз сафар қилдик Ватанга, сиз ҳануз меҳмондасиз». Демак ана ўша — мангу Ватанни севмак иймондандир.

— Домла, анча йиллардан бери ислом фундаментализми деган гап юради. Лекин нега христиан фундаментализми дейилмайди? Фундаментализм ибораси нимани англатади ўзи?

— Муҳаммаджон, сиз ўта оғриқли муаммони ўртага қўйдингиз. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги пайтларда Ислом ва мусулмонлар шаънига отилаётган бўҳтон ва ғиво тошлари орасига — аҳлапарастлик «фундаментализм» деган бошоғриқ ҳам қўшилди. Дунёнинг қайси бурчагида бирон-бир тўполон чиқса, ўша заҳоти «бу ислом фундаменталистларининг иши» дейиш урф бўлди. Ҳайриятки, бундай иддаоларнинг ўндан тўққиз фоизи ёлғон эканлиги ошкор ҳам бўлиб қолмоқда. Мен ҳар сафар матбуот воситалари томонидан мусулмонларга нисбатан қилинаётган асоссиз ғиболарни эшитганимда ҳазрати пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Бу дини Ислом ғариб-бечора ҳолда дунёга келди. Бир замон келадики, Ислом яна аввал бошдаги ҳолига—бечораликка қайтади. Ана ўша кунлардаги бечораларга жаннат бўлсин!» — деган муборак сўзларини эслайман.

Ҳўш, фундаментализм ибораси нимани англатади ўзи? У бирон ёмон маънодаги сўзми? Йўқ, бу — Исломни асли асосида қайта тиклаб, чин исломий ҳаёт кечириш демакдир. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон? Албатта, бундай орзуниятни ҳеч қандай ножўя томони йўқ. У ҳолда нега фундаментализм ибораси ўзга худди ҳақорат тамғасидек қўринадиган бўлиб қолди. Бизнингча, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Аввало, жаҳон афкори оммасининг илму савияси ўсиб тараққий қилиб борган сари Ислом дининнинг ҳақ йўл эканлиги исботланиб қўпчилик бу динга иқбол қилиб кетаётгани сир эмас. Моддий тўсиқлар ва жисмоний тазйиқлар Исломнинг жозибасига тўсиқ бўла олмаётганини кўрган рақибларимиз энди бутунлай бошқа қуролни ишга солмоқдалар ва дунё кўзига Исломни зулм-зўравонлик дини сифатида кўрсатмоқчи бўлаяптилар. Қолаверса, мусулмонлар орасидаги айрим Исломнинг мағзи-моҳиятидан бехабар жоҳил кимсалар ҳам ўзгаларнинг қутқуларига учиб, улар берган нопок қуролни қўлларига олиб Исломни ёмонотлиқ қилмоқдалар. Мана шундай, ҳали ўзлари тўла мусулмон бўлмай туриб бошқаларни мусулмон қилмоқчи бўлган баъзи бир нодонлар касри ва уларнинг орқасида туриб олиб парда ортида қонхўрлик билан шуғулланаётган жиноятчилар касофати билан бот-бот «Ислом фундаментализми деган ғавғолар қулоққа чалинмоқда. Лекин баъзан мусулмонлар бутунлай бегараз тўпланиб, бирлашиб, ўзаро маслаҳатлар қилмоқчи бўлганларида, ёки айтайлик мусулмон улкаларнинг раҳбарлари тамоман бошқа мақсадда, масалан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида мажлис қилсалар ҳам чор атрофдан «Нега булар тўпланишмоқда, бу ерда Ислом фундаментализми йўқмикин», деган висир-висирлар ҳам эшитиб қолинадики, менимча бу табиий бир ҳолдир. Бизлар пайғамбаримизга мурожаат қилсак, бу ҳолнинг моҳиятини дарҳол англаб олишимиз мумкин. Ҳазрат дедилар: «Оллоҳнинг пайғамбарлари орасида ёлғиз менга насиб этган неъматмададлардан бири, бир ойлик масофадаги кишилар мендан қўрқиб ҳайбатланиб туришларидир». Бас, Оллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларига ҳам мана шундай ҳайбат-салобатни ато этган бўлса не тонг?!



Энди, нега «ислом фундаментализми» бор-ку, аммо, масалан, «христиан ёки яҳудий фундаментализми» йўқ, деган саволга келсак, мен бу ҳолни ҳам тўғри деб биламан, чунки дунёда ислом дини фундаменти — асоси кучли дин ҳисобланади. Демак, ўзгалар ўзларининг салб юришларини гарчи бир кун ҳам тўхтатмаётган бўлсалар ҳам, диний фундаментлари емирилиб кетганлиги сабабли уларда фундаментализм бўлиши мумкин эмас.

— Домла, Ер юзида биронта инсон йўқки, ислом нуридан бебаҳра қолган бўлса. Ислом тарихни яратди. Ислом — Ер юзидаги барча таълимотларга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Бизнинг барча ватандош улуғ алломаларимиз ўз илмларига исломни пойдевор деб билишган. Зерро, илмсиз исломни, исломсиз илмни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан, бугунги илм эгалари ўз дастурилламалларига бош мезон сифатида қабул қилишадиган ояти карима ва ҳадиси набавиялардан шарҳлаб берсангиз ва Қуръон, жаҳон фан ва маориф соҳасидаги тараққиётига қандай таъсир ўтказганлиги борасида кенгроқ маълумот берсангиз?

— Узининг илк ояти билан «Ўқинг!» деб хитоб қилган Қуръони Карим дини исломда илм-маърифатнинг мартабаси нақадар баланд эканини белгилаб беради. Сиз мендан илм хусусидаги Қуръон оятларидан айтиб беришимни сўраяпсиз.. у ҳолда мен сизга Қуръони Каримни тўла бошдан оёқ ўқиб беришим керак бўлади. Чунки, Қуръони Каримда илм сўзи зикр қилинмаган ёки илмга тарғиб қилинмаган бирон бир саҳифа ўқ, десам муболаға бўлмас. Энди пайғамбар алайҳиссаломнинг Илм мавзусида берган ўгит-насиҳатлари ҳам беҳад -беҳисобки, улардан мана бу ҳадиси шарифдир: «Илм дунё азизлиги ва охиратдаги улуғликдир». Яъни инсон илм билан Ҳақни танийди, Ҳаққа яқин бўлади. Ҳаққа яқин бўлган киши эса халқ наздида азизу мукаррам бўлади. Чунки у илми билан фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг йўлини ёритади, демакким уларни ҳам Ҳақ йўлига етаклайди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз уламоларни шарафлаб «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деганлар. Зотан, пайғабарлардан қоладиган мерос дунё матолари эмас, балки илму маърифатдир. Бу эса ўз илмига амал қилиб ва бошқаларни ҳам Ҳақ йўлига даъват қилиб ўтган олимлар, охират диёрида ҳам пайғамбарлар қаторида улуғ мақом мартабаларига ноил бўладилар деганидир.

Оллоҳ ва унинг пайғамбарлари томонидан бундай улуғ вазифа олган аждодларимиз илм-маърифат майдонларида от сурдилар. Ва натижада ўша ваъда қилинган азизлик, шарофатга муваффақ ҳам бўлдилар. Неча асрлар давомида бутун дунё мусулмонларга шогирд бўлди. Ҳатто Ислом динини қабул қилмаган халқлар ҳам дунёвий илмларни мусулмон уламоларидан ўрганганларини бугун ҳамма билади. Шундай қилиб мусулмонлар дунё тараққиётига ўзларининг беминсл улушларини қўшдилар. Аммо шуни ҳам тан олиб айтишимиз керакки, сўнгтибир неча аср мобайнида мусулмонлар ўзларининг илм майдонидаги пешқадамликларини бир оз қўлдан бериб, илм сўзини ҳам бир ёқлама англаб қолганлари сир эмас. Натижада мусулмон ўлкаларининг дунё миқёсидаги мақом-мартабаси ҳам аввалги даражада бўлмай қолди. Дини Ислом буюрган турли илм-фанларни мусулмонлардан ўрганиб кетган ғайри динлар эса қўлларидан келганча ўқиб-ўрганган номларини ҳаётларига татбиқ қилиб бориб улкан ютуқларга эришдилар. Бу ҳақда ўтган асрдаги Ислом оламининг буюк уламоларидан бири, мисрлик олим Муҳаммад Абдуҳ ўзининг Ўврупо бўйлаб қилган сафаридан қайтиб келганида айтган сўзлари ибратлидир: «Мен у ерда (Ўврупода) биронта мусулмонни кўрмадим, лекин Исломни (яъни уни амалда ҳаётга татбиқ этилаётганини) кўрдим. Бу ерда Мисрда эса мусулмонларни кўрмоқдаман-у, аммо Ислом йўқ!». Ушбу мисолдан чиқарилган хулоса шуки, агар аждодларимиз эришган баланд мақомларга эришмоқни истасак, у ҳолда биз ҳам улар каби дин ва дунё илмларини эгалламоғимиз лозим бўлар экан.

— Домла, жаҳонда исломдан боҳабар матбуот воситаси борки, бари, қайда бирор тўполон кўтарилса, исломга таъна тошини отади, Исломни жанжалкашликда, зўравонликда айблайди. Бу албатта нотўғри тушунча. Сиз, ўзимиз, қалбимиз тўрига жойлаб олишимиз учун, исломнинг тинчлик ва моддий фаровонликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида айтиб ўтсангиз.

— Маълумки, Ислом сўзининг асли ўзаги «силм» — омонлик, тинчлик маъносидадир: Бинобарин, динимиз нафақат мусулмонлар учун, балки бутун инсоният учун тинчлик гарови бўлиб дунёга келгандир. Бу хусусда Оллоҳ таолонинг сўнгги пайғамбари ҳазрати Муҳаммадалайҳиссалом Парвардигорнинг илк пайғамбари Одам алайҳиссаломнинг яратилиши ҳақида айтган бир ҳадислари етарли далилдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) хабар бердиларки, Оллоҳ таоло бир ҳовуч тупроғдан Одамни яратиб, унга жон киритгач, берган биринчи фармони шу бўлдики, эй, Одам, ана у малоикаларга бориб «Ассалому алайкум», яъни Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин», деб айтгин. Мана шу сенинг ва сенинг пушти камаринг-дан тарқайдиган барча зурриётларингнинг саломи бўлсин. Одам бориб малоикаларга «Ассалому алайкум», деган эди, улар ҳам «Саломун алайка ва раҳматуллоҳ», яъни Сенга ҳам тинчлик-омонлик ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин», деб жавоб қилдилар. Демак, мусулмонман, Одам фарзандиман,деган ҳарбир инсон тинчлик тарафдори бўлмоғи лозим. Энди Исломнинг моддий фаровонликни мустаҳкамлашдаги ўрнига келсак, Ислом кишиларни аввало бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган, бошқача қилиб айтганда, кўзи тўқ қилиб тарбиялайдики, моддий фаровонлик ҳам бизнинг назаримизда нарсаларнинг қўплиги билан эмас, балки айни кўзнинг тўқлиги билан, моддаларнинг мўллиги билан эмас, балки маънавиятнинг бутунлиги билан белгиланади. Шу маънода мен бугунги кунда халқларимиз бошидан кечираётган иқтисодий танглиқнинг туб илдизи ҳам асли маънавий қаҳатчилик деб, биламан. Зеро маънавияти бутун бўлмаган халқ ҳеч қачон тўла маънодаги моддий фаровонликка эриша олмайди. Агар кишиларда иймон-эътиқод, Оллоҳдан қўрқиш, ҳаромдан ҳазар қилиш ва сабр-бардош каби чин инсоний ҳислатлар бўлмас экан, у ҳолда ҳатто ватанимиз Туркистонни ўраб турган барча тоғлар тиллога айланиб қолганида ҳам моддий қаҳатчилик тугамайди. Чунки бугунги қийинчиликларга ҳам нарсаларнинг йўқлиги ёки далалар ҳосил бермай қўйгани, ёхуд бошқа бало ё офатлар сабаб бўлмай, балки кишилардан иймон-диёнат қочгани, бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, айрим кимсалардаги бирни ўн қилиш ғами, мол-дунёга бўлган очкўзлик — бир сўз билан айтганда, маънавий майиблик сабаб бўлаётгани аён бир ҳақиқатдир. Жамиятни бундай қаҳатчиликдан олиб чиқиб кетишда, яъни кишиларни қориннинг қули бўлиб қолишдан халос қилиш йўлида Исломнинг ўрни беқиёсдир.

— Раҳмат, домла! Сизга савобли ишларингизда унум, ўзингизга сиҳат ва саломатлик тилаймиз. Соғ бўлинг.

— Сизга ҳам раҳмат! Оллоҳ таоло барчамизни ҳақ йўлига муваффақ қилсин, қалбларимизни иймон нури билан мунаввар айласин!

Суҳбатни журналист Муҳаммад ИСМОИЛ олиб борди

ҲАР СИЙМОДА БИР САНЪАТ

ҚАДРИ БАЛАНД СЎМ

Ҳар қандай янги иш унга олдиндан тайёргарлик кўришни ёқтиради. Пухта ҳозирлик кўрилмай бошланган янги ишларнинг муваффақият қозониши жуда қийин бўлган ва узоқ пайтларга чўзилган.

Миллий валютамиз бир ёшга тўлди» Лекин кўпларимизнинг эсимизда миллий валютага ўтишдан олдинги тайёргарлик жараёнлари, муҳокамалар, мулоҳазалар, халқ орасида севинч аралаш юрган турли иштибоҳлар. Ҳаммамиз ўзимизга ўзимиз савол берардик: «Қандай бўларкин?» Рубл эгалари бунга йўл қўярмикинлар? Сўмга рози бўлармикинлар? Сўм рубл билан рақобатга бардош бера олармикин? Бошқа мамлакатлар билан қандай муомала қиламиз? Бизда ишлаётган бошқа мамлакатларнинг кишиларига қандай пул тўлаймиз?

Бундай табиий саволларнинг бош-кети йўқ эди. Бу орада сўм-купон чиқди. Кўплар бунга ҳам ишончсиз бир нарсадай қаращди. Баъзилар мийигида кулиб юришди: «Кўрамиз!» деб, лекин сўм-купон ҳаётимизга кирди. Дадил пул муомиласини бошлаб берди у сумга йўл очишдек улкан тарихий миссиясини бажарди. Миллий валюта ғоятда эҳтиёткорлик билан - минг ўлчаб бир кесиб ва шу билан бирга кучли сиёсий қатъият ва дадиллик билан жорий этилди. У тез орада барча шубҳаларни, барча «қандай бўларкин? нима бўларкин? - деган саволларни ўртадан кўтариб ташлади.

Сўм яшаяпти! Иқтисодий-маиший ҳаётимизни ҳеч бир иккиланишсиз, чекинишсиз, бўшашмасдан тартибга ва низомга соляпти. Кучли миллий валюта сифатида қадр-қимматга эга бўляпти. Бошқа миллий валюталар билан қўл тутишяпти.

Миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда сўм ўз тарихий миссиясини тўла адо этиш йўлига кирди.

Яқинда Қибрайга бора туриб, йўл чеккасида ёпган нон сотиб ўтирган ёш жувон олдида тўхтадим. Пулини суриштириб иккитагина нон ола турсам, ёнимизга яна иккита ярқироқ чет эл машинаси келиб тўхтади. Ундан дароз бир сингх тушиб келди. Танлаб-суриштириб ўтирмай бирваракай йигирмата нон олди. Чўнтагидан бир даста эллик юз сумликларни чиқариб ноннинг пулини берди ва қайрилиб ўз йўлига кетаверди. Мен чет эллик дўстларимизнинг ҳам ҳамёнлари сўмлар билан тўлаётганидан кувониб қўйдим. Худо хоҳласа, сўмимимз ҳали бутун дунё бўйича муомилага ярайдиган кунлар ҳам келади, деб қўйдим.

Латлар, долларлар, франклар, фунт-стерлинглар, маркалар, рупийлар, манатлар. рубллар сафида бошинг тошдан, асосинг олтиндан бўлиб юравер, эй ўзбекнинг сўми!

Редакцияга хат

УМИД ВА ИШОНЧ

Мана, қўлимизга яна бир янги газета етиб келди. Бу — «Миллий тикланиш» газетасидир. Унинг дастлабки икки сонини ўқиганимиздаёқ газета жуда яхши, эзгу ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганига ишондик. Масалан, «Туркистон — умумий ва ягона халоскоримиз» мақоласи тарихдан сабоқ берса, «Бир марсия тарихи», «Эрқинлик олинур», «Осмон устунлари», «Хат — ҳикмат нишони», «Уликни судраган билан тирилмайди» мақолалари кишиларнинг кўзини очишга, миллий ғурурини уйғотишга, халқимизга истиқлол мафкурасини сингдиришга қаратилгандир. Айниқса, «Дипломатиямиз тарихидан» рукни остида берилган «Амир Темур ва Султон Барқуқ ёзишмаси» жуда кўпчилик диққатини тортган бўлса керак. Чунки ҳали бу соҳада бирор матбуот органи иш бошлаганини билмаймиз. Дипломатиямиз тарихини, давлатчилигимиз илдизларини билиш ёшларимизга жуда катта сабоқ беради, чунки ёшлар келажакда юрт бошқара оладиган кишилар бўлиб етишишлари керак. Умуман, газетадаги ҳар бир мақола, ҳар бир сўз ва ҳатто расмлар ҳам яхшиликка хизмат қилган, дея оламиз. Расмларнинг «Ўйламоқ иймон нишонасидир» рубрикаси остида чиққани жуда ўйлаб қўйилган. Фақат «Ҳаёт одамларга нашъалидир» рубрикасидаги «одамларга» сўзи олиб ташланса бўлармиди... «Ҳаёт нашъалидир»нинг ўзи кенг қамровли ва ўзбеконароқмиди.

Газетамизни (энди у бизнинг газетамиз бўлди) ўқир эканмиз, ҳаддимиз сиғиб, муҳарририятга баъзи истакларимизни ҳам билдирмоқчимиз: тарихимиз саҳифаларини ёритувчи, миллий ғуруримизни уйғотувчи ўтган икки сондаги каби мақолалар тўхтаб қолмаса. Газетанинг биринчи сонида Саид Аҳмад, иккинчи сонида Замахшарий таваллудлари муносабати билан берилган мақолалар, айниқса, биз — ўқитувчиларга катта ёрдам. Истардикки, бундай мақолалар мунтазам бериб борилса. Яна бир талаб, халқимизнинг чинакам фарзандлари таваллудлари, муҳим тарихий саналар ва асарлар нишонланадиган кунлар йил бошларида эълон қилинса, сизлардан миннатдор бўлардик. Машҳур инсонлар ҳаётидан лавҳалар, кенг ўқувчилар ҳам билса бўладиган мактублар берилса, хурсанд бўлардик.

Газетада мақолларнинг берилаётгани жуда яхши. Улар муайян мавзулар остида ҳам берилса; яна, ибратли ривоятлар, маросимлар, урф-одатларимиз, ирим-сиримлар ёритилса, каштачилик, кулолчилик, умуман, халқ ҳунармандчилиги турларидан ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилса яхши бўлар эди.

Бўлардан ташқари, қизиқчилик, қўғирчоқ театримиз тарихи, рақсларимиз шарҳи, тили ҳақида ҳам сабоқ берилса,.. Умуман, миллий тикланиш учун нимаики зарур бўлса, шу мавзулар ёритилса, газетамиз юртимиздаги энг яхши газеталардан бўлиб қоларди.

Газетанинг, умуман, юрт оқсоқолларининг мақсади туркий халқларни бирлаштириш. Ўқувчиларимнинг, баъзан кап-катта аёлларнинг ҳам (таассуфки, маълумотли аёлларнинг ҳам) «У ўзбек эмас, Сурхондарёдан (ёки Қашқадарёдан, Фарғонадан, Пискентдан»), деган гапларини эшитиб, ўртаниб кетаман, гўё бошқа жойда ўзбек яшамайдигандек... Шу мавзуда ҳам сизлардан баъматни мақолалар кутамиз...

Сизларга муваффақиятлар тилаб, умид билан:

Машҳура САЪДИНОВА, Тошкентдаги 283-мактаб ўқитувчиси

ТАБИАТ ЎЗ-ЎЗИНИ

ФАН — ДИНСИЗ КЎР, ДИН ФАНСИЗ ЧЎЛОҚ.
(АЛБЕРТ ЭЙНШТЕЙН)

Дин ҳам аслида фан билан бир қаторда бир мақсадни кўзлайди, дунёни ва инсоннинг ўз-ўзини билишни истайди. Хусусан, Шарқда ҳамиша илоҳият ва фан ўзаро уйғунликда иш кўрган. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек каби буюк боболаримиз ўзларининг асарларини Парвардигорга ҳамду санолар ўқишдан бошлашган. Илоҳият илми, иқрори уларга оламнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган қонуниятларини кашф этишда қўл келган. Биз эса узоқ йиллар давомида фақат моддиюнчилик фанига берилганлигимиз натижасида, улкан руҳий ва маънавий бойликларимиздан айрилиб қолишимизга оз қолди. Мана, фаннинг айрим ютуқларига асосланиб табиатнинг яратилиши ҳақида баъзи мулоҳазаларни баён этиш вақти келди.

Олимларнинг фикрича, тахминан 20 млрд йил олдин коинотда жуда катта портлаш юз берган. Натижада бутун олам чўғ, оловли газ заррачаларидан иборат бўлган. Вақт ўтиши билан оловли газ заррачалари ва тутунлардан атом, молекула, сўнг сайёрамиз, юлдузлар, хуллас, галлактикамиз шаклланган.

Ҳозирги замон фанинг аниқлашича, она заминимизнинг ёши 4,6 млрд йил бўлиб, 3,8 млрд йил олдин ҳаёт белгилари пайдо бўла бошлаган, деб тахмин қилинади. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланиши табиий ва ижтимоий фанларнинг асосий муаммоси ҳисобланади. Моддиюнчилар ҳаётнинг бошланиши материянинг табиий ва қонуний тараққиёти деб ҳисоблайдилар. Илоҳий илмларнинг вакиллари эса, ҳаёт олий ақл эгасининг каромати дейдилар. Бу оқимни Ғарбда креационизм номи билан юритилади. «Креотино» — лотинча яратиш демакдир.

Ҳаёт Ерда ҳар доим бўлган, деган фикр ҳам бўлиб, буни стационар ҳолат дейилади.

Заминимизга ҳаёт коинотдан келган деган тахмин ҳам бор, бу таълимотни панспермия (ҳаммаёқ сперма-нутфа) дейилади.

Тузилиши ва тараққиёти ўзида мужассамланган тирик молекула тасодифан пайдо бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Рус олими А. И. Опарин ва инглиз профессори Дж. Холдейнлар тахминига асосан ҳаёт углеродли бирикмаларнинг узоқ вақтли кимёвий ва биологик эволюциясидир. Худди шу назария моддиюнчиликнинг асосий негизини ташкил қилади.

Диалектик моддиюнчиларнинг назариясини ҳозирги замон табиий фанларининг ютуқлари асосида тўла-тўкис исботлаш мумкин эмас.

Оламнинг тузилиши, ундаги сайёрамизнинг шакл-шамойили, унинг ўз ўқи атрофида айланишидан кеча-кундуз бўлиши, қуёш атрофида маълум бурчак остида ҳаракати туфайли ҳар хил мавсумларнинг бўлиши, қор, ёмғир ёғиши, улкан тоғлар, дарёлар сувининг чучуклигию, океанлар сувининг шўр бўлиши, наботат, ҳайвонот олами, атмосферадаги ҳавонинг таркиби, ундаги ҳимоя қатлами — озон қобиғи — ҳамма-ҳаммаси маълум мақсадга мўлжаллангандек. Шундай ажойиб мувозанатн

мирхонд

ҚАЛЪАЛАР ОСТОНАСИДА

«Равзат ус-сафо» XV асрнинг обидаси. Бу тарихий асарни Алишер Навоий таклифи билан 1496 йилда машҳур тарихчи Мирхонд Муҳаммад Ховандшоҳ ёзган. 1996 йилда унинг ёзилганига 500 йил тўлади.

«Равзат ус-сафо» 7 жилд (2.500 варақ) дан иборат.

I-V жилдларида энг қадим замонлардан XIV асргача, VI жилди Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида, VII жилдида эса темурийлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро даврида бўлиб ўтган тарихий воқеалар баён қилинган.

Асар форс тилида ёзилган бўлиб, XIX асрда Хоразмда тўлалигича ўзбек тилига ўгирилган. Таржима нусхалари кўп бўлиб, улар Хоразмнинг машҳур хаттотлари томонидан кўчирилган, Ўз ФА Қўлёзмалар институти ва Шарқшунослик институти хазиналарида сақланади.

«Равзат ус-сафо» ҳозиргача ўша давр тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун бирдан бир нодир манба ҳисобланади. Аммо ҳанузгача бу ўлкан мерос фан оламида ўз ўрнини тўла топа олгани йўқ.

Мустақил Ўзбекистон ўз тарихини яратаётган бир пайтда бундай асарларга катта эътибор бермоқ ва ундан кенг кўламда фойдаланмоқ лозим.

Зеро, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланар экан ва «Равзат ус-сафо» асари ёзилганига 500 йил тўлар экан, бу санани илм аҳли кенг нишонламоғи, халқни ана шундай ёдгорликдан баҳраманд этмоғи керак.

Мазкур асар қўлёзмалар институтида нашрга тайёрланмоқда, ундан бир улушини ҳозирги тилимизда баён қилиб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

Унинг қудрати ила душманларнинг кўзи кўр бўлди.
Офтоб Ҳамалдан шараф топти,
Илмга ташналар амалиёт га интилдилар.

ПОДШОҲ АМИР ТЕМУРНИНГ ИККИНЧИ МАРОТАБА МОРДИН ТАРАФИГА БОРГАНИНИНГ БАЁНИ. ШУНИНГДЕК ТЕМУРИЙЛАР ШАҲЗОДАСИ АМИРЗОДА УЛУҒБЕК КЎРАГОНИЙНИНГ ТУҒИЛИШИГА ДОИР ВОЕАЛАР БАЁНИ.

Қиш фасли ниҳоясига етиб, қуёш ўз ҳаракатини ўзга томонга бура бошлади. Еру қуруқлик шаҳриёри жазирани фатҳ этгандан сўнг, ўз илтифоти назарини енгилмас лашкарининг аҳволига солди, пиёдаларга от берди. 796-ҳижрий йил ражаб ойининг бошланишида қўшин Мордин тарафига равона бўлди. Амирзода Мироншоҳ Кўрагон қўшиннинг илғор қисми билан олдинроқ йўлга чиқди. Мазкур ойнинг ўн иккинчисида Ҳазрат Соҳибқирон енгилмас қўшин билан Мордин қалъасининг атрофига етиб келди. Шаҳарнинг атрофини ўраб олди. Карнай ва ноғораларнинг овози қулоқни кар қиладиган даражада авжига чиқди. Ва энг охирги куни Ҳазрат Соҳибқирон марказий, ўнг қанот ва чап қанот қўшинлар билан қалъага ҳамла қилди. Ҳаммадан илгари марказий қўшин лашкари қалъанинг деворига нарвонлар қўйиб юқорига чиқдилар. Улардан бошқа аскарлар душманнинг ён атрофидан ҳамлалар қилиб, душманни қувиб қуршаб олди. Душманлар жон талвасасида тоғнинг чўққисига чиқиб олдилар. Аскарлар уларнинг изидан бориб, кўпчилигини ўлдирдилар. Аллақанча ой юзли ўғил болалар, қуёш монанд қизлар отларнинг оёғи остида қолиб нобуд бўлдилар. Зафарёр қўшин беҳисоб бойликни қўлга киритиб қалъанинг пастида уруш билан банд бўлдилар. Бу жуда мустаҳкам ва берк қалъа эди. У баланд тоғнинг тепасига жойлашган бўлиб, бир тегирмонни айлантиргудек сув юқоридан пастга тушар эди. Шоирлар ва фозиллар бу қалъанинг мустаҳкам ва берклиги тўғрисида ўзларининг назмий ва насрий асарларида ёзиб кетганлар. Баҳодирлар ва аскарлар шу куни шомгача жанг қилдилар. Қош қорайгандан сўнг жангни тўхтатдилар ва қалъа атрофида қолдилар. Кейинги куни яна юқорига чиқиб жангни бошладилар ва у ердаги кимсаларнинг ичкарига киришига йўл бермай, тутиб пастга олиб тушдилар. Қалъа бошлиқлари енгилмас қўшиннинг зўрлигини кўрдилар. Кўнгилларига хавф, ғулғула тушди, тавба ва тазарру қилиб одамларнинг фарёди осмонга етди, улар омонлик сўраб келдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Оламгир қалъа остидан қайтиб, Ўрдага келди. Мордин аҳолиси совғасалом, тортиқлар юбориб, бож ва хирож тўламоққа рози эканликларини билдирдилар. Тақдир ул ернинг одамларига кулиб боқди. Бунинг сабаби, улар тавба-тазарру қилаётган вақтида, Султониядан Сарой Мулк хоним қошидан элчи хушхабар олиб келди. Унда хабар берилишича, 796-ҳижрий йил жумоду-л-увла ойининг 19 сида, якшанба куни Султонияда темурийлар шаҳзодаси Шоҳрухга тангри таоло фарзанд ато қилган. Ва мунажжимларнинг маълум қилишларича, шаҳзода туғилган вақтда Асад буржа ернинг шарқий уфқида бўлиб, офтоб Ҳамал буржида эди.

Байт:

Худованд Асад буржида буюк бахт келтирди,

ЖОМИД ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲИ ТЎҒРИСИДА. УНИ ЯНА ҚОРАЧА ҚУБОДОБОД ДЕБ АТАЙДИЛАР.

Ҳазрат Соҳибқирон ҳанузгача ўша ўтлоқда эди, унинг олдига шаҳзода Мироншоҳ Муҳаммад Султон қошидан элчи келиб, Қорача, яъни Омад қалъасининг Жомид била машҳурлиги, унинг одамлари қалъанинг мустаҳкамлигига мағрурланиб, бўйсунмаётганликларини изҳор қилмоқдалар, деган хабарни етказди. Улазрат дарҳол Амир Жаҳоншоҳни илгарироқ юборди ва ўзи қўшин билан биргаликда унинг кетидан борди. Лашкар аҳли Дажла дарёсидан ўтди ва қалъанинг ташқарисига тушди. Бу мавсумда Дажла дарёсининг суви жуда тез оқмоқда эди. Улар қалъага қарадилар ва унинг баландликда Кайвон айвон билан тенглаша оладиган, мустаҳкамликда Искандар девори билан баробар эканлигини кўрдилар. Бинонинг пойдеворини то ернинг тубигача, девор баландлигини осмон учигача кўтарган эканлар. Барча бурчакларига тарашланган йилтироқ тошлар билан ишлов берилиб, ганч билан мустаҳкамланган. Деворининг энини шу қадар кенг қилганларки, унинг устида иккита отлиқ ёнма-ён юра олади. Ташқари томондан девор кўтарилган. Устунлар бино этиб, улар орасига тошотар қуроллар ўрнатганлар, яъни тош отадиган махсус жойлар қолдирганлар. Одамларнинг ҳавонинг иссиқ ёки қаттиқ совуқ кунларига мўлжалланган ажойиб боғлари бор эди.

Жомид қалъасининг бунёд этилишидан то Улҳазратнинг қамалига қадар тўрт минг уч юз йил муддат ўтган эди. Шу вақт давомида ҳеч кимса ғазаб ва ғалаба билан бу қалъани эгаллай олган эмас. Фақатгина Холид ибн Валид (разиял-лоҳу анҳу) ислом йўлида узоқ муддат қамал қилиб туриб, сувнинг ташқарига чиқадиган йўлидан яширинча ичкарига кириб уни эгаллаган экан. Алқисса, Ҳазрат Соҳибқирон Жомид кўрғонига етди. Бир кундан кейин лашкарни қамал қилишга юбордилар. Ва улар тездан урушга киришдилар. Юқоридан ҳар қанча тош ташласалар ҳам, баҳодирлар ўз еридан жилмас эдилар. Ва Улҳазрат буйруғи билан Усмон Баҳодир, Сайид Хўжа Баҳодир ва Арғуншоҳларнинг ҳар бири бир буржни ўпириб, бориш-келиш учун йўлни муҳайё қилдилар. Арғуншоҳ ҳаммадан бурун қалъа тупроғига қадам қўйди. Лашкарлар атрофларидан ҳамла қилиб тўрт минг уч юз йил муддатида ҳеч кимса қўлга кирита олмаган қалъани икки-уч кун ичида қамал қилиб, унга ёпирилдилар. Бор мол-мулкларни талон-тарож қилдилар. Аммо ул қалъанинг сипоҳилари тешикларга кириб кўринмадилар, ҳеч кимса улардан нишон ҳам топа олмади. Буйруққа биноан ясоқийлар болта ва тошлар билан устунлар устига чиқиб, уларни вайрон ва хароб қилиш билан машғул бўлдилар. Иморатнинг жуда мустаҳкамлиги сабабли устунларни бузиб вайрон қилиш учун узоқ муддат керак бўлар эди. Шу сабабдан устунларнинг юқори қисмидан озгинасини бузиб, қозиқ қоқиб, ўша ердан кўчира бошладилар.

Баён қилувчи:
З. ИСЛОМОВ,
ЎзРФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти илмий котиби

ДАРДИ СИҒМАС ДУНЁГА

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОНГА МАКТУБ

Азиз ва қадрли Йўлдош ака! Баҳор қандай сулув, дилбар фасл. Одам баҳорда тинмай ёзгиси, ижод қилгиси келади. Айниқса, апрел ойида у яна баркамоллашиб, шундай қудратли бўлиб кетарканки, инсонларга ҳам бир тенгсиз куч, муҳаббат ва руҳ, бағишлай бошлайди. Фарғонанинг Навоий кўчасида, хокимиятнинг чап томонида жойлашган Фарғона ёзувчиларининг боғи шу кунларда шундай яшнаб кетганки... Баҳорнинг бу гуркирашига ҳамоҳанг сиз ҳам ниҳоятда ғайрат ва шитоб билан ишлаяпсиз. Худди баҳор каби тиним билмаяпсиз. Янги, учинчи романингизни машинкадан чиқариб, ҳар куни юз бет, икки юз бет сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф синчиклаб ўқийсиз. Ижодкор учун ўкиш ҳеч гап эмас. Ёзиш қийин, холос. Сиз ана шу ёзишнинг «азоб» довонидан ўтиб, бизнинг ҳам ҳавасимизни келтириб турибсиз. Ҳозир сизни курашда голиб чиққан паҳлавонга ўхшатяпман. Романни ҳамма ҳам ёза олмас экан. Фарғонада ҳозирча сиздан бошқа ҳеч ким роман ёзолмаяпти.

Илҳомни кўлдан чикармаслик учун шундай қаттик ишлайсизки, олтмиш ёш устида бўлсангиз ҳам, чарчадим демайсиз. Вақт ўтганини ҳам сезмайсиз. Бироқ, ҳеч қачон ишлаб, ўзингиздан қониқмайсиз.

Бу йил сизнинг 60 йиллик тўйингиз. Гоҳо, бу йиғинлар, бу тантаналар руҳингизга сиғмаётгандай, ўзингизни сиқиқ олиб юрасиз.

— Асли кераги йўқ эди, — деб қўясиз гоҳ-гоҳ. Бироқ, мухлисларингиз хузурингизга тинмай келишади. Сиз билан учрашишни орзулашади. Сизнинг ўй-хаёлларингиз эса кўпроқ янги ёзган асарларингизда. «Одамларга маъқул бўлармикин? Қандай кутишаркин?» — деган ташвишда турасиз.

— Одам кўнглидагини ёзиши қийин экан-да. Ҳали қониб, қониқиб, ич-ичимдагини ёзмагандекман, — дейсиз ўкиниб.

Мен эса... Сизга ҳамиша ҳайрат, илҳомингизга, одамларга, ҳаётга, яшашга, Ватанга бўлган муҳаббатингизга жуда катта ҳайратим билан қараб тураман. Сиз ҳақингизда жуда кўп яхши нарсалар ёзиб, одамларга айтгим келади. Ахир, одам ўзини ўйламай, оромидан, роҳатидан кечиб ёзиш, ишлаш шунчалик, сизчалик бўлса керак.

1970 йилда сиз ишлаётган «Коммуна» — ҳозирги «Фарғона ҳақиқати» рўзномасига ишга келган эдим. Сиз етакчилик қилган маданият бўлимида иш бошлаганман. Илк бор газетхонлар юборган хатлар билан ишлашни, уларни рўзномага тайёрлашни ўргатдингиз. Ҳар гал янги мақола топширсам, қайси сўзни тузатар экансиз деб, сиз имзо чеккан хатларни яна ўгринча кўздан кечирардим. Мени жуда кам таҳрир қилар эдингиз. Рости, шундан қувонардим. Мен ишга келганимда «Субҳидам» романини ёзиб тугатган эдингиз. Босилиш арафасида эди.

— Роман ёзган ёзувчи мени «тузатмаяпти», «ишлаганларим» маъқул келяпти, деб руҳланардим, куч олардим.

Сизнинг эртага чиқаётган рўзномага — газетачилар тили билан айтганда «номерга», шундоқ ишга келиб, иш устолига ўтириб устоз Чархий ҳақида очерк ёзганингизни кўрганман. Эрталаб ёзишни бошладингиз. Машинкачи кўчирди. Тушликка яқин бу очерк муҳаррир қўлида тахт бўлди. Эртасига рўзноманинг ички бетидаги пастки икки томонда очерк ҳаётдай гуркираб яшнаб турган эди. Ўшанда қаттиқ ҳайратланганман. Бироқ, айтишга, изоҳлашга сўз тополмаганман. Бугун билсам, унинг исми муҳаббат экан. Бу сиздаги куч, илҳомнинг қудрати — қалб ва вужуддаги инсонларга бўлган меҳр, муҳаббат эканини билдим.

1994 йилда Фарғона ёг-мой комбинатининг дам олиш, даволаниш оромгоҳида «озгина дам оламан» дедингиз. Биз беҳад қувондик. Негаки, сиз ҳеч қачон дам олиш, айниқса, ўзингизнинг дам олишингиз ҳақида гапирмайсиз. Бу — хаёлингизга ҳам келмайди. Мен сиздан кўпроқ:

— «Ишлаш керак, Қаттиқ ишлаш керак. Ёзиш керак, тинмай ёзиш керак! — « деган сўзларингизни деярли ҳар куни эшитаман. Билсам, бу — сизнинг ўзингизга ва шогирдларингизга доимий ўгитингиз экан.

Ниҳоят, сизни «дам олиш»га кузатдик. Бир куни хабар олгани борсак қоғозларга кўмилиб, ёзиб-чизяпсиз. Бизга «сир» бергингиз келмади.

— Ҳа, энди, сал-пал, илҳом келганда қоралаяпман, — дедингиз.

Ўн беш кундан кейин ишга қайтиб, машинка атрофида айланиб қолдингиз. Билсак, «Фарғонанома» достонини ёзиб, тугатибсиз. Бу достонни — Фарғонанинг эмас, водийнинг тарихи дейиш мумкин. Водийнинг ёруғ юлдузлари бўлган улуғ инсонлар ҳақида шундай жўшиб, тўлқин билан куйлагансизки... Ҳамиша ҳавасим келади. Яна ҳайратланаман.

Ижодингизнинг оғир, вазмин тошу тарозуси бўлган «Вафо» романингиз 1979 йилда чоп этилган эди. Орадан ўн олти йил ўтибди. Бу узоқ йиллар учун, азиз устоз, ҳар куни бир куясиз, ёнасиз, оғриниб ортингизга қарайсиз.

— Учинчи роман оғирроқ келди, — дейсиз ўксиниб. Бирок... «Шаҳризод бўл, бир кеча» катта лирика шеърий китобингиз дунёга келди-ку!

«Оҳ десам, куймасин Фарғона деб ўзимни тутдим» деб наъра тортган ким? Сиз-ку! Шу сатрингизнинг ўзи Фарғонани жонидан-қонида тутган қалбнинг романи эмасми? Қани эди Фарғонани ҳаммамиз сиздай севиб, сиздай ардоқлаб, сиздай асрай олсак! Биламан, Фарғонанинг зарра дарди, зарра армони сизни безовта қилади. Кейин тинмай ёза бошлайсиз.

Қўқон тарихи, бугунги кишилари, Марғилон тарихи, унинг улуғлари ҳақида «Қўқоннома», «Марғилоннома» шеърий изҳорномаларни ёздингиз. Ёнингдаги энг яқин кишинг ҳақида ҳам таърифлаб, икки қатор сўз айтиш осонмас. Негаки, кимгадир бағишлаб бир сўз айтиш учун кўнгилда боғланиш, тушуниш, меҳр, саховат бўлмоғи керак. Сиз эса юз-юзлаб инсонлар номини шеърга маржондай тиздингиз! «Инсон — дунёдаги энг улуғ муъжизадир» деб айтилган ҳикматнинг жавобини битдингиз.

«Гулнома»-чи... Бу достонингиз ҳақида ҳаяжонланмай ёзиб бўлмайди. Аёл. Юмушлар гоҳо толиқтириб кўядиган гулрухсорларнинг ҳаётга мева бериши, оламга боқийлик илдизларини ўз қони билан туташтиришининг ўзи муъжиза, ўзи достон. Ҳар бир аёлнинг хаёли, ҳаёти — ўзи бир такрорланмас китоб. Улар бу улуғ бедорликлардан ортиб, бизнинг замонамизда яшаш, тирикчилик, жамият юкини ҳам елкаладилар. Сиз уларга бағишлаб «Гулнома» шеърий қасидангизни яратдингиз. Унда элим, юртим, халқим деб ишлаётган аёлларни иложи борича меҳр билан, энг қайноқ сўзлар билан ардоқладингиз. Бу асар уйини, болаларини саристалаб, эл ишига ҳам улгураётган хотин-қизларимизга катта куч, илҳом бағишлади. Шоирларимиз кўпроқ аёл гўзаллигини мадҳ этиб ёзишган. Сиз эса уларнинг меҳнатини, жамиятдаги ўрнини куйладингиз. «Гулнома» фарғоналик аёлларнинг ёруғ юзи бўлиб қолди. Бу достонингиз учун барча аёллар номидан сизга алоҳида ташаккур!

Устоз Йўлдош ака! Сизнинг ёзувчилигингиз ўзи бир китоб.

Шоирлигингиз, устозлигингиз, меҳрибон мураббийлигингиз ўзи бир китоб. Одамларга, ҳаётга ошиқлигингиз ўзи бир китоб. Билингки, шогирдларингиз қалбида сизга бағишланган қат-қат китоблар, изҳорлар, меҳрлар, муҳаббатлар бор. Бу билан нима демоқчи бўламан. «Йилларим бекорга кетди деб афсусланманг. Сиз фақат қоғозлар қатига эмас, кўнгиллар қатига ҳам китоблар бита олган, нурли излар қолдирган, дилларни машъала бўлиб ёритган саховатли, улуғ, ҳикматли инсонсиз».

Роман тўлғоғида юриб, кўнгил ғамзаларини шеърга кўчирдингиз. Менимча, улуғ иш бўлди. Мана, ниҳоят роман ҳам битди. Охирги саҳифалари машинкадан чиқяпти. Уни қайта-қайта ёзяпсиз, кўчиряпсиз, ишлаяпсиз. Сезяпман, барибир кўнглингиз нимадандир тўлмаяпти.

Гоҳо ўйлаб қоламан. Энди ўзингизни озгина авайласангиз ҳам яхши бўларди. Гоҳо дам олишни, гоҳо даволанишни дегандай. Бугун мана шу сўзларимни сизга айтишни жуда ҳам, астойдил истаб турган эдим. Радиодан юракни тебратувчи маҳзун кўшиқ, маюс бир куй таралиб кетди. «Дардим сиғмас дунёга». Ҳаммадан ўз дардини, оғриғини яширган, рости яширишга кучи етган тоғдек одамнинг куйи — бу куй. Бу — ёлғиз сизнинг куйингиз. Фарғонамизнинг Охунжон Мадалиеви бу мусиқани фақат сиз учун яратиб қўйгандай.

Дардим сиғмас дунёга,
Сиғмай қолдим ўзим ҳам.
Хаёлимда бир-бирин
Алдар икки кўзим ҳам...

Ҳа, ишқий дардингиз дунёга сиғмайди. Бироқ, уни ҳеч кимга билдирмайсиз. Аксинча, қушларни парвоз қилдирувчи, юракларни яшнатувчи, қаватли биноларни зириллатувчи, баъзиларга ғулғула солувчи жарангдор қаҳ — қаҳангиз билан ҳар қандай дардни енга оласиз. Гоҳо янчиб, ўтиб кетасиз. Ҳавасим келади. Ҳамиша атрофингиздагиларга баланд руҳ ва куч бағишлаб, кўнгил кўтариб турасиз. Илло, ҳамиша шундай бўлсин. Ўзингиз орзулагандай, дунёда меҳр яшасин, муҳаббат, диёнат яшасин! Одамийлик ўлмасин!

Истайманки, тилайманки, етмиш, саксон, тўқсон, юз ёшлик тўйларингизда ҳам баланд, жарангдор кулгуларингиз ўзингизга ҳамроҳ бўлсин! Омон бўлинг. Олтмиш ёшлик тўйингиз муборак бўлсин, устоз!

Сизга эҳтиром билан шогирдингиз:

Матлуба ДЕҲҚОН қизи

Ҳар сиймода бир санъат

МАҲРАМЛИК

ЯРАТГАНМИ?

Шунинг учун у моддий дунёни бошланиши борлигига ишонади. Энергияни икки турга, фойдали ва фойдасизга ажратади. Фойдали энергиянинг бир қисми табиатда фойдасизга айланади. Аммо фойдасиз энергия фойдалига ҳеч қачон айлана олмайди. (Термодинамиканинг иккинчи қонуни) И. Нютон «Натурал фалсафанинг математик асослари» асарида «Қуёш планета, кометаларнинг ўзига хос ҳолати, мувозанати, ҳаракати бу фақат оллоҳнинг иродасидир», дейди. И. Нютонни даҳрийликда шубҳа қилган мухбирга ёзган хатида «Мен дунё тизими ҳақидаги асаримни ёзаётганимда шундай принципларга амал қилганманки, буларни ўқиган фикрловчи шахс яратгувчининг борлигига ишонади» Умуман, И. Нютон кўпчилик олимлар қатори диндор бўлган ва диний асарлар ҳам яратган. Фан ва дин ўртасида мустаҳкам кўприк қуришга ҳаракат қилган.

Дунёнинг моддий ташкил этувчилари ичида сўзсиз материя (энергия)ни сақланиш қонуни бажарилади. Йўқ нарсадан бор нарса ҳосил бўлмайди. Шу билан бирга ички энергиянинг нурланиши, механик энергиянинг диссипацияси туфайли дунёнинг моддий ташкил этувчисининг сифати ҳарорат, тезлик ва босимни тенглаштирилиши ҳисобига узлуксиз камая боради. Жонсиз материя интенсив равишда мувозанатга интилади. Ёпиқ системадаги материянинг энтропияси ҳар доим ошиб боради. Материянинг ўзи бузилишга, тартибсиз хаотик ҳаракат ҳолатига ўтишига интилади. Тасодифан бирор органик бирикма пайдо бўлган бўлса, у термодинамика қонуни асосида материянинг хаотик ҳаракати асосида йўқ қилиб юборилган бўлур эди.

Юқоридаги фикрларга асосланган америка олими, компютерлар бўйича мутахассис К. Хазаун таъкидлайдики, табиат юқоридаги қонунларга асосан бузилишга, тартибсизликка ва парчаланишга мойил экан. Демак, у ўз-ўзини ярата олмайди. У ўз хулосаларини ЭҲМ ва математик усуллар орқали исботлаган.

XIX асрнинг икки буюк алломаси иккита назария яратиб, кишилик жамиятини алғов-далғов қилиб келаяпти. Булар К. Маркс ва Ч. Дарвин. Бири қўшимча қиймат қонунининг, иккинчиси органик дунёнинг тараққиёт қонунининг кашфиётчиларидирлар. Дарвин таълимоти моддиюнчилар илмининг асосий негизини ташкил қилиб, эволюция назариётчиларининг ўқ илдизи эди. Дарвинизм органик дунёнинг тараққиёти ва эволюциясининг кучини белгилаган деб баҳо берилади. Бу куч Дарвинизмда табиий танлаш ҳисобланади. Дарвинизм ва марксизм эса бир-бирини инкор этади. Марксизмнинг назариясида эксплуатацияга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли хусусий мулкни йўқотиб унинг ўрнига умумхалқ мулкини жорий этиш ва шу аснода инсонпарвар жамият тузишдан иборат. Умумхалқ мулки ҳукмрон жамиятда меҳнат қилиш биринчи эҳтиёжга айланади, ҳар ким қобилиятига яраша ишлаб керагича истеъмол қилаверади. Дарвинизм эса буларнинг айнан тескарисини айтади: тирик жонзот борки, ўз ҳаётини, зотини давом эттиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун кучини сарфлайди. Кучли бўлса яшаб қолади, кучсиз бўлса четга [illegible]риб-сурилиб охир оқибат [illegible] ҳаёт билан видолашади, зоти ҳам йўқолиб кетиши мумкин.

Америка олими профессор В. Ламертанинг фикрича, ирсият қонунлари дарвинизм назариясига тўғри келавермайди. Дарвин бўйича дунёга келган жонзот маълум ўзгаришларга юз тутиб, булар ижобий бўлса ўз интиҳосига етади. Профессор Ламертанинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, жонзотдаги ёки маълум турдаги ўзгаришлар мазкур гуруҳни йўқ қилишга ёки уларнинг ташқи омилларга турғунлигини пасайтириб юборади. Демак; бўғиндаги ўзгаришлар янги турни ҳосил қилишга олиб келмайди Юқорида номи зикр этилган олим ўзининг «Эволюция назариясининг математик таҳлили» деган рисоласида бирор ўсимлик ёки ҳайвон турининг ўзгариши учун бир неча миллион авлод кераклигини кўрсатган. Дарвин таълимоти организмлар шароитга мослашади, аъзоларида ўзгаришлар рўй беради деб ўргатади. Лекин бу жараён узоқ муддатни талаб этади, тирик жон эса ҳар дақиқада ўлимга маҳкум, шунинг учун насл қолдиришга шошилади. Бундан ташқари зарурат энг биринчи тирик организмниёқ насл қолдирадиган қилиб яратган, чунки унинг ўлиши олдиндан режалаштирилган.

Инглиз олими Е. Вилсон Ч. Дарвин таълимотидаги эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш табиий танлашни биология фанининг марказий догмаси деб баҳолайди.

1991 йил Москванинг «МИР» нашриёти машҳур швед биологи Лима-де-Фарианинг «Танлашсиз эволюция» деган монографиясини чоп этди. Мазкур рисолада муаллифнинг ёзишича, «Органик дунёдаги табиий танлаш жуда мураккаб ва чалкаш масалалардан биридир.» У таъкидлайдики, дарвинизмдаги тасодифлик, мутация жараёнлари, физика-кимёвий нуқтаи назаридан қараганда нотўғри эканлигини кўрсатади. Эволюциянинг юритмаси ҳозирги кунда номаълум эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Лима-де-Фарианинг ёзишича, дарвинизм органик дунё эволюциясининг бошидан эмас, охиридан бошлайди. Бу таълимотнинг бошланғич қисми қуруқ тахминдан иборат, дейди. Ҳақиқатан биология аниқ фанлар қаторига кирганлиги учун улардаги моддийлик, бирор ўлчамга эга бўлиши керак. Дарвинизм таълимотининг бошланғич қисми бундай қолипларга сиғмайди.

Дарвинизм табиий танлаш ва тасодифлик билан ҳар қандай биологик муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилиши асоссиз деб кўрсатади. Юқорида қайд этилган илмий асарнинг муаллифи мазкур рисолада биология, химия, физика, кристаллография фанларининг ютуқлари асосида дарвинизмнинг асосий ўзаги бўлмиш табиий танлашни танқид қилади.

Биз агар Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» номли асарига мурожаат қилганимизда, шубҳасиз уни даҳрийликдан олиб даҳрийликка солган бўлар эдик. Ачинарлиси ва қувонарлиси шундаки, Ч. Дарвин мазкур китобнинг хотимасида шундай дейди: «Шундай улуғ яратувчи борки, у ўз нафаси билан заминимизни ўз ўқи атрофида айлантириб, унга бир ёки бир неча ҳаёт шаклларини бердики, шундан бери еримиз бутун олам тортилиш қонуни асосида айланади, ҳаёт оддий содда кўринишдан сон-саноқсиз гўзал ва ажойиб хилларигача ривожланиб борди ва бормоқда».

Ўсимлик, ҳайвонот дунёсида ўзгариш, ҳаракат ва бўлак кузатишлар борки, уларни эволюция назарияси билан тушунтириб бўлмайди.

Ҳозирги замон фанининг ҳаётнинг тасодифий ҳодиса эмаслигини кўрсатувчи далил ва исботи унинг инкорига нисбатан кўпдир.

Дунё пайдо бўлиши қатъий режа асосида амалга ошганлигига ожизона илмий ёндашдик, лекин ҳар қандай режа муаллифсиз бўлмайди. Ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари бир сонияда миллионлаб амалий ишларни бажаради. Шу мураккаб асбобни режасиз, тасодифан ўз-ўзидан пайдо бўлган десак, албатта, ҳеч ким ишонмайди.

Ҳар қандай жонзотнинг вужудига насл қолдириш, уни авайлаб вояга етказиш, туғма инстинкт ёки шартли рефлекс деган тушунчалар унинг ҳоҳишидан ташқари режалаштирилган. Рус олими И. М. Сеченов ва И. П. Павловлар таъкидлаган эдиларки, ҳайвонот ва одам дунёсининг онгли ва онгсиз ҳаёти шартли рефлекслар ёки туғма инстинктларнинг мажмуасидан иборат бўлиб, буларни тўлиқ билиш инсоннинг ўз-ўзини билиш, англаш демакдир.

Ҳақиқатан, инсонга ақл-идрок ато этилиши ва у камолатга интилишига қарамай, ҳаётининг мазмуни, ўзининг табиати ва вужудини англаш охирига етган эмас. Ҳар бир киши биладики, унинг ақли, билими ва қобилияти нисбий бўлиб, улар чегаралганан, инсон маҳдуд. Табиатда жуда кўп воқеа, ҳодиса ва сир-асрорлар борки, уларни ҳали инсоннинг ақл шуъласи забт этмаган.

Ақлли ва фаросатли кишилар дунёни маълум қонун ва қоидалар орқали бошқарилиб турилишини қадим замонлардаёқ англаганлар. Машҳур инглиз файласуфи Ф. Бейкон ёзган эди: «Агар одам фалсафа фанини юзаки билиб, тушунчаси саёз бўлса, дахрийликка мойил бўлиб, бунинг акси эса кишини диндорликка ва тақводорликка чорлайди». Охирги 70 йиллик тарихимиз олимнинг бу фикри ниҳоятда тўғри эканлигини исботлади. Яна инглиз олимларидан У. Келвин ўз вақтида «Агар киши чуқур ўйлаб кўрса, фан худонинг борлигига ишонтиради,» дея тан олган. Инсоният тарихидаги фан даҳоларидан А. Эйнштейн эса «Коинотга ҳар гал тикилганимда яратгучининг борлигига ишонаман», деган.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, олимларнинг 92 фоизи оламнинг тасодиф эмаслигига, унинг яратгучиси борлигига ишонади. Инсоннинг ақли ўз ихтиёрида бўлиб, вужуди эса яратганга интилади. Ҳар қандай ашаддий даҳрий ҳам мушкул аҳволга тушганда, нажотни яккаю-ягона яратгандан кутади.

Муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда инсонни жонзотлар ичида сарвари қилиб яратилгани, ҳайвонлардан фарқли ўлароқ унга ақл, тафаккур ато этилганлиги ва шу орқали яратгувчини танишга, топишга чорлайди. Табиатдаги қонун-қоидаларнинг атрофдаги ҳодисаларнинг бир-бирларига боғлиқлиги, улар ўртасидаги мувозанатни ақл шуъласи орқали фаҳмлаб, қалбимиз орқали сезиб, дунёни яратилиши тасодиф эмаслигига мантиқан ишонч ҳосил қиламиз.

Инсоннинг ақли ва жисмоний кучидан ташқари табиатда шундай қонун-қоидалар борки, у дунёни ва ҳаётни бошқариб туради. Агар коинот, табиат, дунё даҳрийларнинг фикрича ўз-ўзини яратган бўлса, демак, табиат ҳам яратгувчилик қобилиятига эга бўлиб, умумий яратгувчининг борлигига кафолат беради.

Яратгувчи ўз бандаларига онг ато этган. Мана шу тафаккур шуъласи инсоннинг атроф, муҳит, табиатни билиши, яъни назарига яқинлашуви учун беқиёс восита. Аммо тафаккур чархланиб, кенг мушоҳадали, кузатишлар йиғиндисидан тўғри хулоса чиқариш даражасидаги мулоҳазага айланган тақдирдагина ижобий натижани кутиш мумкин.

«Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизга ўз оятларини баён қилади» («Бақара» сураси).

«Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам унинг Ўзидир. У барча нарсани билгувчидир» («Ҳадид» сураси).

Б. Урдабеклининг ёзишича, Қуръонда илоҳиятнинг мазкур тарзда ифодалаб берилиши Тангрини шахс қиёфасида тушунишгагина зарба бериб қолмасдан, олимларимизнинг бу борада чуқур ва ҳаққоний изланишлар олиб боришларига ҳам катта замин бўлди.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,
профессор

«Қутадғу билиг»нинг 925 йиллиги

ҚУТ АТО ЭТГУЧИ БИЛИМ

Баласағун (Қузўрду) мавлудлиғ Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Қут ато этгучи билим») асари XI аср туркий ёзма адабиёти ва адабий тилининг улуғ обидасидир. Асар ўн уч минг мисрадан зиёдроқ бўлиб, маснавийда битилган. Шу йил достон яратилганига 925 йил тўлади. Ўтмишдан мана шундай улуғ обиданинг сақланиб қолганлиги биз, туркий халқларнинг бахтимиздир.

КИТОБГА ОТ БЕРДИМ «ҚУТАДҒУ БИЛИГ», СУЙИБ ЎҚИГАНГА ТУТҒУСИ ИЛИГ

«Қутадғу билиг» асарининг уч йирик қўлёзмаси маълум. Шулардан Наманган ва Қоҳира нусхалари араб хатидадир. Бири Тошкентда, кейингиси Қоҳирада сақланади, учинчи — Ҳирот қўлёзмаси эса қадимги туркий уйғур хатида бўлиб, ҳозир Венада сақланмоқда. Араб ёзувли қўлёзмаларининг кўчирилган ўрни ва санаси қайд этилмаган. Тахминларга кўра, Наманган нусхаси XIII, Қоҳира нусхаси эса XIV асрга мансуб. Асарнинг уйғур ёзувли қўлёзмасини жиҳрий 843 йил, қўй йилида, муҳаррам ойининг тўртинчи куни (мелодий 1439 йил 18 июнда) Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчириб якунлаган. Яна достондан олинган узиндилар ҳам етиб келган. Чунончи, Р. Р. Аратнинг ёзишича, Анқара Маориф кутубхонасида мавжуд бўлган қўлёзмаларнинг бирида туркий шеърлар битилган бўлиб, улар орасида «Қутадғу билиг»дан олинган тўртлик ҳам бор. Мазкур тўртлик уйғур хатида ёзилган ва ҳар қайси сатри араб ёзуви билан изоҳлаб чиқилган. Қўлёзманинг хат шакли унинг XV асрда кўчирилганлигидан далолат беради. Яна Волга бўйидаги Саройчуқ шаҳри яқинидан сопол кўза топилган. Ушбу кўзанинг сиртига ҳам «Қутадғу билиг»дан олинган тўртлик битилган эди.

Муаллиф ўз асари устида ўн саккиз ой ишлаб, уни ҳижрий 462 йили (мелодий 1069-1070) тугаллаган. Бу хусусда асарнинг сўнгги бобида шундай ёзади:

Йил олтмиш ики эрди тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим мен тутуб жан сура.
Тугал ўн секиз айда айдим бу сўз,
Ўдурдум, адирдим, сўз эвдиб тера.

Мазмуни: Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди. Мен жонни қойитиб ушбу сўзни сўзладим. Уни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим. Сўзларни танлаб, фарқлаб йиғиб-тердим.

Ўша кезлар Юсуфнинг ёши эликка тўлиб, олтмишга кетган эди (Тегурди менга илги эллик яшим — эллик ёш менга қўл тегизди; Ўқир эмди олтмиш менгар кел тез — энди олтмиш мени ўзига чорламоқда). У асарини Кошғарда эканлигида ёзди ва уни Машриқ малики Тавғач Буғрахонга тортиқ қилади. Китоб хонга ғоят манзур бўлиб, шоирни хос ҳожиблик лавозимига кўтаради. Шунинг учун Юсуфнинг довруғи улуғ Хос Ҳожиб деб элга ёйилади.

Асар муқаддимасида таъкидланишича, Машриқ вилоятларида бутун Туркистон элларида туркий адабий тилида (буғрахан тилинча, турк луғатича) бирор кимса бундан яхшироқ китоб ёзган эмас. Ушбу китоб қаю подшоҳлиқ ё қаю иқлимга етса, ғоят яхшилиғидан, ортиқ даражада жозибасидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бирлари турлича от бердилар. Чинлиқлар «Адабу-л-мулук», мочинлиқлар «Айину-л-мамлакат», машриқлиғлар «Зийнату-л-умаро», эронлиғлар «Шоҳномайи туркий», баъзилар «Пандномайи мулук» дедилар, туронлиғлар эса «Қутадғу билиг» деб атадилар. Кўринадики, «Қутадғу билиг» ўрта асрларда туркийгина эмас, бутун Шарқ адабиётида шуҳрат топган. Асар Шарқ адабиётида «Туркий шоҳнома» деб эътироф этилган (Юсуф ўз асарини Фирдавсийдан таъсирланиб ёзган деб эмас, балки у «Шоҳнома» билан рақобатлашадиган улуғ достон бўлганлиги туфайли шундай нисбат берилган эди). Мавжуд қўлёзмаларнинг кейинги асрларда кўчирилганлиги асар ўз замонасидагина эмас, бутун ўрта аср туркий ёзма адабиётида катта ўрин эгаллаганлиги, унинг кейинги давр адабиётига ҳам салмоқли таъсир этганлигидан далолат беради. Айниқса, унинг XV асрнинг биринчи ярмида Ҳирот адабий-маданий муҳитида айнан уйғур хатида кўчирилганлиги муҳим. Бу ҳодиса бу давр Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий ва маданий муҳитида қорахонийлар даври ёзув ва адабий тил, шунингдек, адабий анъаналарининг давом этганлигининг белгисидир. Яъни «Қутадғу билиг» уйғур ёзувли қўлёзмасининг сўнгги бетида қайд этилувича, ушбу китоб кейинчалик Туркиянинг Тугат шаҳрига, бу ердан эса Абдураззоқ Шайхзода бахший учун 1474 йили Истанбулга келтирилган. Машҳур котиб (бахши) Абдураззоқ Шайхзода ундан нусха кўчирган-кўчирмаганлиги номаълум. Бироқ қўлёзманинг Истанбулга етиб борганлигининг ўзиёқ мазкур адабий муҳитда унга катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

«Қутадғу билиг» мавжуд уч қўлёзмасининг ҳеч бири тўлиқ эмас. Нусхаларнинг ўзаро фарқлари ҳам катта. Бир қўлёзмада муайян шаклда учрайдиган байт бошқа нусхада ўзгариб келиши мумкин. Боблардаги байтларнинг сони ҳам кўпинча тенг эмас: бирида бор байт бошқасида учрамаслиги мумкин. Ҳатто айрим нусхада бутун бошли боб ҳам тушиб қолади. Боиси, қўлёзма китобларнинг бутун-бутун бўлаклари йўқолган. Яна нусха кўчириш жараёнида-да улар ўзгаришга учраган, айрим жойлари қисқартириб кўчирилган. Шу билан бирга, матнларни танқидий ўрганиш бизни асар вариантлилиги масаласида фикр юритишга ундайди. Чамаси, асар яратилган чоғларда (ҳатто муаллифнинг тириклигида) унинг бир қанча вариантлари бўлган. Эҳтимол, муаллифнинг ўзи бир вариантдаги камчиликларни қайта ишлаб тўлдирган. Шу зайл муаллиф даврида асарнинг бир қанча варианти бор эди. Чунончи, муқаддимада келтирилган шоир ҳақидаги асарнинг турли элларда турлича от билан машҳур бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар достон биринчи ёзилишда китобга киритилган деб бўлмайди. Бундан хулоса шундай: асарнинг илк, шу билан бирга эътиборли нусхаси хонга тортиқ этилган, китоб хонга манзур бўлгач, кўп нусхада кўчиртирилган. Достон бутун Машриқ, турку чин элларида шуҳрат қозонгандан сўнг янги қўлёзмалари битилган. Энди уларга юқорида таъкидланган маълумотлар ҳам қўшилган. Шундай қилиб, ўша замонлардаёқ «Қутадғу билиг»нинг вариантлари пайдо бўлган эди. Қўлёзмалардаги тафовутларнинг сабабларидан бир ёқаси, чамаси, шу масалага туташар. Мавжуд қўлёзмалар асарнинг турли вариантларидан кўчирилган бўлуви мумкин.

«Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасида дастлабки тўрт боб сарлавҳаси арабча аталган. Бешинчи бобдан бошлаб туркий сарлавҳалар кетади. Қизиғи шундаки, асарнинг уйғур ёзуви нусхасида аввалги тўрт боб сарлавҳаси ҳам туркийдадир. Улар шундай берилади: Тангри азза ва жалла ўгдусин айур; Ялавач алайҳиссалом ўқдусин айур; Тўрт саҳабанинг фазилатин айўр; Яруқ яз фаслин улуғ Буғрахан ўгдусин айур.

Қоҳира нусхасида дастлабки уч сарлавҳа арабча, тўртинчи — Буғрахон ўгдуси бобидан эътиборан туркий аталган. Кўринадики, аввал боб сарлавҳаларининг бари туркийда бўлган. Кейинчалик муқаддимадаги дастлабки бобларнинг сарлавҳалари Шарқ ислом китобат анъанасига биноан арабчага ўгирилган. Шунга кўра, уйғур ёзувли қўлёзма, XV асрда кўчирилган бўлса-да, қайсидир эскироқ нусхага асосланганлигини тахмин қилиш мумкин. Лекин ўша номаълум нусха ҳам асарнинг илк варианти бўлмаганлиги тайин. Мабодо шундай бўлган тақдирда унга асар Шарқда машҳур бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилмаган бўлур эди.

Асарнинг тузилиши шундай. Аввал бисмилло билан қисқа насрий муқаддима, кейин 77 байтли шеърий муқаддима берилади. Сўнг асар бобларининг мундарижаси (фиҳраси аббаб) ўрин олган. Шулардан кейин яна бисмилло билан асар бошланади.

Мавжуд уч қўлёзма ўзаро қиёсланса, асар 85 бобдан иборат эканлиги аён бўлади. Унинг дастлабки 11 боби анъанавий Шарқ ислом китобат усулидадир. Булар Тангри азза ва жалла (ҳаммадан азиз ва улуғ бўлган тангри)нинг ўгдуси, ялавоч алайҳиссалом мадҳи, тўрт саҳобанинг мадҳи, порлоқ кўклам фасли ва улуғ Буғрахон мадҳияси, етти юлдуз ва ўн икки бурж баёни, инсон фарзандининг қадри билим ва заковат билан эканлиги баёнида, тилнинг фазилати билан қусури ҳамда фойдаси билан зиёни баёнида, китоб муаллифининг узри, яхшилиқ қилмоқликнинг мадҳи, билим билан ақлнинг фазилати ва фойдалари, китобнинг оти, маънаси ва муаллифнинг кексалиги баёнидан иборат. Ўн иккинчи бобдан мавзуга ўтилади.

Асарнинг охирги уч боби ҳам бош мавзудан ташқари. Уларда ўтган йигитликка ўкинч, замона бузуқлиғиғо дўстлар жафосининг ҳасрати, китоб эгаси Юсуф Улуғ Ҳожибнинг ўзига панди баён этилади.

Достон мавзуи тўрт табаррук асосга қурилган: чин адолат: қут ила давлат, кишини юксалтирувчи ақлу заковат, қаноат. Буларнинг ҳар бирига туркча от берилади: адолатни Кунтўғди (янги кун) атаб элиг мансабига тенг тутилади, давлат Ойтўлди (тўлган ой) аталиб вазир ўрнида келади. Ақлнинг оти Ўгдулмиш (ақли расо) бўлиб, вазирнинг ўғлидир. Қаноат эса Ўзғурмиш аталган, у асарда вазирнинг қаридоши бўлиб келади. Асар воқеалари ҳам мана шу тўрт қаҳрамонинг муносабатларига боғланган. Уларнинг кечмиши, ўзаро суҳбатлари орқали Юсуф ўзининг илғор фалсафий қарашларини баён этади, ахлоқ-одобдан ўгит беради.

КИШИДИН КИШИГА ҚОЛАРИ СЎЗДИР

«Қутадғу билиг» — фалсафий, ахлоқий достон. Юсуфнинг элигдан тортиб оддий фуқарогача, амалдордан тортиб юлдузчию туш йўйғучи, шоиру табиблар, савдогару тариғчи-деҳқонлар, чорвадору ҳунармандларга айтадиган ўгити бор. Асарда кишининг ахлоқ-одоби, маъракада ўзини тутиш қоидалари, фарзанд тарбияси, сўзлаш одоби — қўйинги, ҳамма-ҳамма соҳада баҳс юритилади. Мана бир мисол. Меҳмондорчиликка таклиф қилмоқлик ва меҳмонга бормоқлик йўсунлари Ўгдулмиш тилидан шундай баён этилган: Сен аввал еб-ичиладиган зиёфатларнинг қай бирига бориш-бормасликни ўйлаб кўргин. Агар ёру бирадарлар, қариндошлар зиёфатга чақирсалар бориб, хизматда бўлиш керак. Яқинлар, қўшнилар зиёфатга чорласалар, уларга-да бор, кўнгилларини ол. Атайин сенга атаб дастурхон тузасалар, ундай ўтиришга ҳам бор, уларни севинтир. Мабодо бундан ўзга зиёфат бўладиган бўлса, бормаган яхши, кўнгил яра бўлади. Ўтириш тўкис бўлмай, ранжиб қоласан. Ёки маст тўпалон чиқаради, еганинг татимайди. Тўйимли овқат, ичимлик деб, ўзингни беқадр қилмагин. Бу ҳақда бўғзини тийгучи шундай деган:

Бўғузунг кўдаз, бўлма эрнинг или,
Бўғузунг учун бўлма бўғзунг қули.
Телим байни кўрдум бўғуз булнади,
Ўзи бўлди муфлис, чиғайдиқ еди.
Бўғузқа бўлун бўлма бўғзи улуғ,
Бўғузқа бўлун бўлса, бўлмас юлуғ.

(Нафсингни сақла, кишиларнинг пасти бўлма,
Нафсинг учун нафсингнинг қули бўлма.
Кўп бойларни кўрдим, улар нафснинг тутқуни бўлди,
Ўзлари хонавайрон бўлиб, қашшоқликка юз тутди.
Эй бўғзи оч, бўғизга тутқин бўлма,
Бўғизга тутқин бўлсанг, ундан қутулиб бўлмайди).

Сен қай зиёфатга борар бўлсанг, одоб билан ош егин, таълим шундай: Катталар ошга қўл урганларидан кейин сен қўл сун. Худо отини айтиб ўнг қўлинг билан овқат ейишни бошла. Ўзгалар олдидаги емакни чўзилиб олма. Уз қаршингда нима бўлса, ўшандан танаввул қил. Пичоқ тутма, сўнгак ғажима, зинҳор бетоқат, енгилтак бўлма. Тўқ бўлсанг ҳам овқатдан еб турган маъқул, киши ошни кишига қараб ейди. Нима олсанг тишла, майдалаб чайна, иссиқ ошни оғиз билан пуфлама. Дастурхон устидаги овқатни олдингга тортма. Бу одобсизликдир. Тартибли киши бу хусусда шундай деган:

Қамуғ нангга ўнгди, тўру бар, сўзи,
Тўру туз юритса, ярур эр юзи.
Қилиқсиз, тўру, ўнгди билмас киши
Кишика қатилса, этилмас иши.
(Ҳамма нарсанинг қоидаси, тартиби, таълими бор,
Тартибни тўғри тутса, кишининг юзи ёруғ бўлади.
Бадхулқ, тартиб-қоидани билмайдиган киши
Кишиларга аралашса, иши олға босмайди).

Ош еганда уни тотли экан деб, лаззатланиб егин, уй бекаси сенга боқиб севинсин. Биров меҳнат сингдириб овқат ҳозирлаган экан, меҳнатини ерга урма, сендан юз ўгириши мумкин. Кўнгли ҳушёр бу ҳақда тўғри сўзламиш:

Киши кўнгли юфқа сиринчга сани,
Эди кед кўдаз, синға, серма ани.
Серилса, киши кўнгли кетти татиғ,
Яқинлиқ кесилди, йиради асиғ.
(Кишининг кўнгли юпқа шиша мисолидир,
Жуда яхши сақла, уни қўзғатма, синади.
Кишининг кўнгли қолса, ҳаловат кетади,
Яқинлик узилади, фойда узоқлашади).

Овқатни меъёри билан е, кўп ема. Кўп еювчиларнинг овқати ўзига бало бўлади. Овқати бало киши доим дардманд бўлади. Дард бўғиздан киради, бўғизни сақла.

Киши иссиқлиқ, совуқлиқни ажрата билиши керак. Аввал мизожни билув даркор, шунга яраша овқат еса бўлади. Мизожга тўғри келмайдиганни емаслик керак. Иссиқлиқ ошса, дарҳол совуқлиқ ичиб енгиллаш, совуқлиқ ошадиган бўлса, иссиқлиқ билан тузат. Йигит ёшида бўлсанг (яъни фаслинг баҳор бўлса), совуқликларни истеъмол қилгин, қонингни равон қилади. Ёшинг қирқдан ошса (куз ойкунлари бўлса), сен ўз табиъингни иссиқлиқ нарсалар билан таъминла. Ёшинг олтмиштан ошган бўлса (мавсуминг қиш бўлса), иссиқлиқ истеъмол қил, совуқлиқ истеъмол қилма. Қуруқ совуқлиқ ошса, ҳўл иссиқлиқ нарсалар ҳозирла, шу иккиси бири-бирига эм бўлади. Ҳўл совуқлиқ ошса, сенга зиён келтирса, уни иссиқлиқ, қуруқ нарсалар билан қайтар. Мизожинг совуқ бўлса, иссиқликни кучайтир. Иссиқ бўлса, совуқлиқ нарсаларни еб, ичиб тур. Агар мизожингни аниқ билмайдиган бўлсанг, иссиқлиқ, совуқлиқ ўртасидаги бир меъёрга амал қил.

Мизожингни шу янглиғ тўғри авайлагин, тириклигинг эмин ва фароғатли ўтади. Бу ҳақда табиб сўзини эшит, нима дейди: Мизожни меъёрида тутиш учун киши заковатли бўлиши керак. Киши мизожга яраша еб-ичса, шу нарса уни ҳайвондан фарқлайди. Киши овқатни оз еса саломатликда ўтади. Эсонлик тиласанг, ҳаста бўлмайин десанг, «аз» деб аталган дорини истеъмол қилиб тургин. Вужудинг фароғати, осойишталигини тиласанг, «тил» деб аталган гўштдан еб тургин.

ЎЗИНГ МАНГУ ЭРМАС, ОТИНГ МАНГУДИР, ОТИНГ МАНГУ БЎЛСА— ЎЗИНГ МАНГУДИР

«Қутадғу билиг» — буюк донишмандимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг бизга қолдирган бебаҳо ёдгорлиги. Муаллиф бу асар орқали ўзига ҳайкал қўйиб кетди. Ундаги фалсафий фикрлар, окилона ўгитлар дунё тургунча ўз қимматини йўқотмаяжаклиги табиий. Салкам минг йил ўтмишда шундай улуғ обиданинг адабиётимизда пайдо бўлганлиги ва унинг бизгача тўла-тўкис етиб келганлиги ноёб ҳодиса. Биз, туркий халқлар, асар билан фақат фахрланиб юрмоғимизнинг ўзи кифоя эмас. Уни чуқур ўрганмагимиз, ундаги доно фикрларни, маънавий озуқ бергувчи ўгитларни эл-улусга ёймоғимиз лозим.

Қосимжон СОДИҚОВ,
филология фанлари доктори

Толиб ЙЎЛДОШ

БАРЧА ДАРДГА ЧОРА БОР...

ТЎРТЛИКЛАР

Яхшилар бор бўлсин,
барака топсин,
Ақл-ҳушин йиғиб, этагин ёпсин.
Ёмоннинг тақдирин
сўраманг мендан,
Феълидан топсин у,
худоё, топсин.

*

Берсанг кўнглимга бер,
қўлимга берма,
Қўлим қуруқ келган,
шундай кетади.
«Қўл билан берганга, қуш тўймас» — дерлар,
Кўнгилга берганинг кўпга етади.

*

Беш кунлик дунёда ишинг беш бўлсин,
Яхши еб, яхши ич, ҳа-да...
шу қолар.
Бир умр армони ичида кетсин,
Пайингда соянгдек юрган шубҳалар.

*

Барча дардга чора борку,
Кексаликка чора йўқ.
Давлатинг ҳар қанча бўлсин,
Сендайин бечора йўқ.

*

Илон белбоғ бўлмас, чаён тақинчоқ,
Ҳазар қил аларнинг заҳму нишидан.
Эога озор етар, илон-чаёндан —
Кўпроқ сен омонлиқ кутган кишидан.

*

Сени донолигинг менга балодир,
Ҳар неки балони тилдан оладир.
Менинг-чун дур якто бўлгандан кўра,
Садафдек, беқадр бўлсанг, аълодир.

*

Ўйноқлаб оқамиз, сапчиб оқамиз,
Ҳали жилғамиз-да, шўҳ, қуйилмаган.
Одамлар кўзидан четда, ховлиқма,
Босар-тусарига чек қўйилмаган.

Акбар ЮНУСОВ

ЭСКИ ТОШКЕНТ ХАНДАЛАРИ

МУАЛЛИФДАН: қаҳрамонимиз хаёлот меваси эмас, ҳақиқат. Ҳаётда бошидан кечирган саргузаштларига жило бермай, бор ҳолича тақдим қиляпман. Унда сиз Чорсу бозорининг ёнида, Кўкча даҳасига қарашли «Ҳовузбоғ» маҳалласида истиқомат қилган Мошфуруш табиб ҳангомалари билан танишасиз. Эшитгандирсиз, Мошфуруш табибни?

Тошкент бозорлари ичида энг каттаси ва машҳури Эски шаҳар бозори. У етти иқлимни оҳанрабодек ўзига тортиб, савдо дошқозонида қайнатиб, Туркистон аҳлининг ақлини чарҳлайди.

Расталар: санъатфурушликка оид китобга бурнини тиққан ўттиздан ортиқ мирқуруқ мулла-ваччалар илм ушоғини садафдек калласига теради.

Заргарлик: митти болғаларин ўйнатиб башанг кийинган шоирона қиёфадаги усталар бош кўтармай ишлашади. Паранжи ёпинган қиз-аёллар эса расталар олдида тўхтаб қоладилар, аммо индамай ўтиб кетишга ботмон юрак керак.

Сатин, чит, атлас — алвон ранглар ўйнайди. Нелар йўқ. Шомдан, Туркияю Туркистон, буёғи Фарангистондан келган молларга анқайган чорвадорнинг киссаси бўшаб қолади.

Ярим ялангоч тақачилар шердек наъра тортиб, чўғдек темирга болға уради, сал нарида пилтаси оққан бола жимгина босқон босади. Бешикчилар сумакларни териб, «шамшод тароқлар»ни тут ғуласидан йўнишади. Соқол тароқнинг тишларини арралашади.

Тандирчилар баркашдек «қатлама»ларни оёқлари билан пишитадилар, кулоллар тувакларни терган, мисгарлар офтобга нақш солган...

Буларни кузатиб, ақлинг шошади.

Туялар ўкирган, эшаклар ҳанграйди, даштдан келтирилган қўйлар ҳуркиган, эй, кўзинга қара, йўлни бўшат, жийрон отлиқ одам елканггa қамчи солмасин. Офтобда мис баркашлар кўзни қамаштиради. Сандиқ-кутиларнинг бир йигит кўтара олмайдиганидан тортиб, токи қўлингда зўрға кўринадиган жимит тумор ғаладонигача бор.

Қашқар, араб, ҳинд савдогарлари кўриниб қолади.

Нон бозори: қатор баркашларда тўлин юзли, қизил ёғдули ширмой оби нонлар, ўртаси қарсиллайдиган, чети юмшоқ, седанали, қатламадан ҳам юпқа лочиралар, чой билан оғзингда эрийдиган патирлар...

Ғуп этиб бурнингни хушбўй ҳид қитиқлайди. Зиравор ва дориворлар растасига яқинлашганинингни сезасан. Кичик халтачалар қатор терилган зираворлар. Қай биридан керак, марҳамат, айтаганингиз топилади: аксиртирадиган мурчдан тортиб, зираю, ҳатто сиз билмайдиган хиллари ҳам бор.

Ундан мевалар растасига ўтасиз. Жаннатий неъматлар шу ерда. Тикилсангиз кўзингизни олади: оғзингизга солсангиз, қарсиллаб дўстингизнинг кўзига шира отиладиган узумлар, бармоғингизга ёпишиб қолса зўр-базўр кўчадиган нашватилар, пишганидан ёрилиб, гумбази остида юзига парда тортган минг нозли анор. Пичоқ тегиши билан тирсиллаб ёриладиган қовунлар... Туршак, майиз, ёнғоқ кўплигидан турини аниқлашга шошиб қоласиз...

Азон овози эшитилади. Ҳамма гур этиб ўзини маҳкама масжидга уради. Кўса маддоҳнинг овози пешиндан кейин тумонат одамни йиғади, йиғлатади. Бор санъатини, ҳунарини намойиш қиламан дегани борки, шу ерда. Сабаби, тирикчилик. Айиқ ўйнатувчи айиғи атрофида парвона, қўғирчоқбознинг эса чакаги тинмайди. Сал нарида бахшилар, достон айтувчилар, қаландарлар дунёнинг бевафолигидан дод солиб, одамларни пулдан фориғ этади. Хуллас, ҳамма ўз мухлисини топган.

Эшитдингизми, Хислат эшон янги ғазал битибди. Тўйчи ҳофиз Илҳом самоварчининг чойхонасида оқшом хониш қилармиш. Бу ҳафта чойхоналарда Балу-ку чой қўяди, чой эмас, мой дейсиз. Самиғники балчиқ лой.

Бозорнинг таърифини қилганимиз етар. Ҳурматли ўқувчида бироз таассурот ҳосил бўлди, деган умиддамиз. Энди мақсадга ўтаверсак ҳам бўлар.

ЁР АХТАРИШ

Иброҳимнинг раста бўлган даври. Сочидан тортиб тирноғигача севги. Паранжилини кўрса, қораси ўчгунча ўзига келолмай тахта бўлади. Бир куни тоқати тоқ бўлиб, паранжилига гап отди:

— Вой, жонидан, қиё боқинг бизга ҳам.

Чачвонини кўтариб, ичидан минг ажинли тишсиз кампир кўринди:

— Нима дейсан, ўғлим, эшитмадим.

Иброҳим ура қочди; кампирларга банорас паранжида юришга бало борми?

Ҳайит, амакиси уйланган, қизжувон борки, келин кўрарга келишяпти. Эшикда бир жувон қизларга шивирлаб, шикоят қилди.

- Ғурсўхта, анави бесўнақай қиз қучоқласа, қўйиб юбормайди. Этларим жимирлашиб кетди.

— Қўймичимни чимчилаб олди, балога йўлиққур.

— Бир балоси бор. Кўришганида менинг ҳам баданим сесканиб кетди, — деди эр кўрган аёл. — Чиқаётганда кўрайликчи, ўша тасқара ҳақиқатан, қизми, ё...

— Вой айланай, кўришиш эсдан чиқибди, ҳайитингиз моро[1] бўлсин, — деб бири сўрашган бўлди, бошқаси эса рўмолига ёпишди. Қарашса, устара билан ҳафсала қилиб қирдирилган бош — Иброҳим. Қиз ва аёллар қийчув кўтаришиб, йигитни қувлаб қолишди.

Иброҳимнинг отаси меҳмонларни бошлаб, дарвозадан кириб келди ва не кўз билан кўрсинки, ўғли атлас кўйлак-иштонда қочиб чиқяпти. Орқасидан қувлаётган қиз-жувонлар уларни кўриб, ўзларини четга олишди, юзларини бекитишди. Иброҳим ҳам киргувчилардан яшириниб, ўзини ҳовли томонга урди.

— Нобакор, бу нима қилиқ?

Машҳур ҳожи дами ичида меҳмонларни ичкарига бошлайди.

Кечқурун ҳамма воқеадан хабардор бўлгач, хотинига:

— Ўғлинг сассиқ така бўлибди, тез қиз қидир.

Шу баҳона Иброҳим уйланадиган бўлди.

ҒЎШАНГАДА

Қиз ҳам топила қолди. Замон одати, кўриш қаёқда? «Онасиникўриб, қизини ол». Бировнинг фарзанди, ёмон деб бўладими? Кўрмас, шолмас, сассиқ кекирдак эмас. Кўрганлар гувоҳ, бинойидек. Хуллас тўй.

От миниб, жиғали салла ўраб, эл-юртни тўйга айтиб юрган Иброҳимнинг дили бироз ғаш. «Келин қандай экан?» — деган ўй ичини таталайди. Тутқаноғи йўқми, юзи сепкил эмасми? Чўлоқмасми? Паранжининг ичида бир қулоч у ёққа, бир қулоч бу ёққа бориб келадиган бўлса нима қилади?

Никоҳ ҳам ўқилиб, тўй ҳам ўтиб, куёв навкарлар бошига тўн ёпинган Иброҳимни ичкарига — гулхан атрофида сочқи сочилаётган ҳовлига узатишди.

Олти қават ғўшанга кўрпачасида ўтирган Иброҳим хотинлар қуршовидан кириб келаётган келинни кўриш учун пардани қия очди. Лекин рўмолга ўранган келинни кўриб бўлмади.

Ораларидаги ёшгина жувон ғўзаллиги билан ажралиб чарос кўзларини ғўшангага тиккан. Иброҳим маҳлиё — қани эди келин ҳам шундай ғўзал бўлса.

Тортишмачоқдан ким ютганини билмади. Ўргатилгандек, ҳозир келиннинг олдига бориб, секин пешонасини силаб, оёғини секингина босгани ҳамоно даст кўтариб олиш керак. Янганинг имоси билан Иброҳим ғўшангадан чиқа солиб, келиннинг олдига етмасданоқ бир жувоннинг бўлиқ кўкрагига урилиб, ўзини йўқотди. Таваккалига аёлнинг белидан қучиб, хотинларнинг ҳайҳайига ҳам қарамай, ғўшангага олиб кирди.

— Вой, вой куёв ўлгур жиннимми?

— Янгаси, қаерга қараяпсиз?

— Вой ўлай, — янга юзини бармоқлари билан чизди. - У эмас келин, бошингиз айландими?

— Бизга шуниси ҳам бўлаверади.

Жувон хандон отиб Иброҳимни қўйнидан сиғалиб чиқди.

Иброҳим қараса, хотинсиз қоладиган. Яна бошидаги тўнни тўғрилаб, орқага қайтди.

У икки букилиб, бошига рўмол ташлаб олган келиннинг ёнига келганда, унинг ҳам янгаси ўқитган эканми, куёвнинг оёғини босиб оламан, деб бир қадам ташлаб, гиламга йиқилди.

Иброҳим эса туришини кутмай, қоп кўтаргандек ердан олиб ғўшангага, орқаси билан олиб кирди.

— Куёв довдираб қолибди, қудалар, кечиринг.

— Ёш-да ҳали.

...Патнисда тўққизлар тортилди. Ҳамма ўзи билан овора. Ғўшангада келин бурчакка сиқилган, рўйхуш бермай ҳурпайиб олган, юзини очмайди.

— Ҳой, хурмача қилиқни кўрсатдингиз. Энди келинга қаранг, — дейди янга жаҳл билан.

— Ҳўп, қани, бир пиёла чой ичинг.

Иброҳим манзират қилади, келин жим. Иброҳим олдига келган бир лаган чучварани «олинг», дейди-ю, бир ўзи паққос тушириди. Шўрвасини шимириб, юмшоқ нон билан тозалаб, қўлига чойни оларкан:

— Жуда ширин бўлибди, нима, соқовмисиз?

— Ўзиз соқов.

— Йўқ, мен карман, икки қулоғим чиноқ-да.

— А?!

Келин юзидаги пардасини очиб қарайди. Ҳар тугур, Иброҳим енгил нафас олди. Келин бинойидек — оқ-сариқдан келган, пўсти юпқа ўрикдек юмшоқ бўлса керак.

— Алдоқчи экансиз?

— Рост.

— Кейин, нега кеннойимни кўтардингиз, — сўради бутун воқеани айтгани учун.

— Қаердан билай, сизни танимасам...

Куёв янга ғўшанганинг пардасини очиб, қаради-да, нариги чеккадаги келин янгага:

— Ёшларни ўз ҳолига қўяйлик, қани, дастурхонга қаранг, — деди.

Иброҳим хотинлик бўлиб, бошига тўрва халта тушди.

1. Муборак демоқчи (шева).

Қалам — фикрнинг таржимони

ШАРҚ МАҚОЛЛАРИ

Сўзнинг қаноти бор.

•

Қулоқ гуноҳкордир.

•

Жавоҳирнинг қиммати бор, сўзнинг қиммати йўқ.

•

Жон де, жон эшит.

•

Шоир сўзсиз бўлмас, ғўзал — ғамсиз.

•

Қалам фикрнинг таржимонидир.

•

Қаламнинг учи, қиличнинг қучи.

•

Ёзган сен, бузган сен, ҳеч билмайман, не сан сен!

•

Ёзилмаган китобни варақламайдилар.

•

Нома — ярим висол.

•

Узоқ ернинг бир парча қоғози, яқин ернинг бир калима сўзи.

•

Обрў истасанг, кўп дема, соғлиқ истасанг, кўп ема.

•

Обрў қаерда бўлса, ризқ ўша ерда.

•

Обрўли обрўсидан қўрқар, обрўсиз нимасидан қўрқар.

•

Ақл бозорда сотилмас.

•

Ақл кишининг сармоясидир.

•

Ақлли фикрлашгунча, ақлсиз бир ўғилли бўлди.

•

Ақллингиз кимдир? — Пойгакдаги занжирли.

•

Сув ўзига йўл топар.

•

Кар эшитмас — яраштирар, кўз кўрмас — уриштирар.

•

Дард чекканга керак.

•

Меҳмон аввал келганда гул устида ўтирар.

•

Яхшилик икки бошли бўлар.

•

Жон ҳаво қушидир, баданда турмас.

•

Мақол гулдир, сўз — чечак.

Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлаган.

Ҳар сиймода бир санъат

Қалам тортишни ўрган, қизалоқ!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

◆

Бош муҳаррир:
Иброҳим ҒАФУРОВ

◆

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

◆

Буюртма: Г — 0330

◆

10000 нусхада босилди

◆

Сотувда нархи эркин

◆

Ҳажми 2 босма табоқ

◆

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

◆

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

◆

Газетанинг ушбу сонини **Баҳодир Мурод Али, Мукаррама Муродова, Абдунаби Ҳайдаров, Маҳмуд Саъдий, Гулчеҳра Муродалиева, Сунна-тулла Саимназаров, Дилфуза Нормуродова** тайёрладилар